




XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 1-SENTYABR, PAYSHANBA, 35 (667)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКISTОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустақил тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбидан табриқлайман.

Қадрили дўстлар!

Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу курашда фидойиллик кўрсатган, қурбон бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини қалбидан абадий сақлайди.

Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари туфайли республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини аввало таъминот масаласи бутунлай издан чиқиб, халқимизни боқиб турувчи бор-йўғи бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолгани, тартиб-интизом бўшаши, турли қўловчи ва гағамаси кучлар бош қўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш қийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан – мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушундикки – ҳаёт-мамоти-миз ҳам бўлаётган айни шундай даврларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш – бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида хиёнат қилиш билан баробар бўлур эди.

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажигига ишончини йўқотгани йўқ ва иншоолло, ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ, аҳволимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қандамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва говларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг бугунги кунини ва истиқболига жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишимизни тўхтатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда – эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва пала-партиш ишларга йўл қўймадик, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиб, лекин қимдан кўр-кўрона нусха олганимиз йўқ. Бу борада чуқур маънога эга бўлган "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос бўлган, халқаро майдонда "Ўзбек модели"

деб тан олинган, узоқни кўзлаган йўлни ўзимизга маъқул топдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл – машҳур беш принципга асосланган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини, оғир синовлардан ўтиб, мамлакатимиз ривожини учун мустақам замин бўлиб қолганини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда. Бунинг тасдиғини мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб энг ўткир ва ҳал қилувчи масала – замон талабига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифаси мисолида яққол кузатиш мумкин.

Агарки биз 19 йил олдин эски қолип ва асоратлардан воз кечиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилиб, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмасак, бугунги аҳволимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор – ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юрларини биттириб чиқаятган, ҳаётга янгича қарайдиган минг-минглаб ёшларимиз биз учун, келажакимиз учун тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг ташаббускори ва ижро-чиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажиги ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқиб, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яққаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганга қарамастан, ялли ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мус-

тақамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолиимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай қатта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси аввало мard ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати авазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқаро жамоатчиликни ҳайратда қолдирмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунамиз – биз эришяётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани – бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиш, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислохотларимизни давом эттириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутуши зарур. Шулар қаторида хусусий тadbirkorлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёзларни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солимадан қўймайди ва барчамиздан ҳамisha хушёр ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келаятган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро ҳамжихатлик, ўзаро ҳур-

мат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш, "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу давватни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни тинч, сиёсий келишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз ҳудудда чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиздан ташқаридаги ҳудудларда бўлишига йўл қўймасликни ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ қўшиларимиз билан ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатларини тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало ҳамкорлик ва ҳамжихатлик муносабатларини мустақамлашга ҳаракат қилиб келганмиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёримиз.

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк ғалабага эришган спортчи ёшларимизни кизгин қўтламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган манаман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонати, она Ватанимизга муҳаббати минг-минглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлди, деб гурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақлимиз.

Ватанимиз байрогини банд қўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч қандам кам эмаслигини бутун жаҳонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!


Қадрили ва муҳтарам ватандошларим! Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик кунини билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барақа тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚЎЙИЛДИ

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини катта кўтаринчилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишламоқда. Жорий йилда энг улғу, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август кунини хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Давони 2-саҳифа

ЭХТИРОМ

Икки қуёшнинг тафти

Олис асрда Хоразмга келган сайёҳ бу ерлик донишмандга "Одамларингизнинг юзларидан сўнмас нур таралиб турибди. Ерингиздан ундирилган нозу неъматлар: мева, қовун асалдан ҳам тоғлироқ экан. Бунинг бош сирини нимада?" деб савол берган экан. Донишманд "Бизнинг тупроғимиз хиёл шўрроқ. Аммо уни улғу дарёи азимнинг новотдек ширин суви ювади. Тупроққа Бобо Қуёшдан ва Бобо Деҳқоннинг юрагидан ҳарорат тушади. Икки қуёшнинг тафтига бизнинг она юртга бўлган меҳру муҳаббатимиз, беқиёс илму санъатимиз, "Сувога" ва "Лазги" миз қўшилиб, сахро бағрида ана шу жаннат яралган!" деб жавоб берган экан.

Давони 2-саҳифа

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 30 августдан бошлаб валютасиз операциялар бўйича бухгалтерия хисоби, статистика ва бошқа ҳисобоватлари қўйиб, шунингдек, бошқа мажбурий тўловлари учун қорғинли валюталарнинг сўғма-сўғмаси қўйиб қийматини белгиледи.	1 Австралия доллари	2255,98	1 АКШ доллари	2989,64	1 Хитой юани	448,22	1 Польша злотийиси	773,80	1 ЕВРО	3383,67
	1 Англия фунт стерлинги	3923,60	1 Миср фунти	336,67	1 Россия рубли	46,18	1 СДР	4199,04	10 Жанубий Корея вони	26,60
	1 Дания кронаси	449,96	1 Исландия кронаси	25,57	1 Украина гривнаси	117,51	1 Туркия лираси	1012,78	10 Япония йенаси	292,44
	1 БАА дирхами	813,95	1 Канада доллари	2300,43	1 Малайзия ринггити	741,20	1 Швейцария франки	3060,65		

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

1 Австралия доллари	2255,98	1 АКШ доллари	2989,64	1 Хитой юани	448,22	1 Польша злотийиси	773,80	1 ЕВРО	3383,67
1 Англия фунт стерлинги	3923,60	1 Миср фунти	336,67	1 Россия рубли	46,18	1 СДР	4199,04	10 Жанубий Корея вони	26,60
1 Дания кронаси	449,96	1 Исландия кронаси	25,57	1 Украина гривнаси	117,51	1 Туркия лираси	1012,78	10 Япония йенаси	292,44
1 БАА дирхами	813,95	1 Канада доллари	2300,43	1 Малайзия ринггити	741,20	1 Швейцария франки	3060,65		

ФАХР

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК
МОНУМЕНТИГА ГУЛ ҚҮЙИЛДИ

44 Давоми. Бошланган 1-саҳифада

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуг тушунчалар доимо ёнма-ён. Халқимизнинг тарихий ютуғи – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Мустақиллик майдонидан улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит мезморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар охира тибранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шўъласида жиллоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осий-ишталикни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустақам ишончимиз ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотиға бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

– Ҳар гал Мустақиллик майдонига келганимизда қалбимизда ўзгача туйғулар жўш уради, – дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. – Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор тўғрисида қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қалбида Ватан келажиги учун масъулият, Ватан равнақига муносиб улғу қўшишдек

эзгу ният мужжасам.

Ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маънавият ва салоҳиятга эга халқ янги-янги марраларни қўлга киритишга қодир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитларда ҳаёт кечиршига ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган улғу мақсадларга эришяётганимиз, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг амалдаги ифодасидир.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида мангу буюк сана бўлиб қолади.

1 сентябрь куни пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайиллар давом этади.

ЎЗА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов номига хоржий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларида самимий қутловлар келиб ту-

рибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равнақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истақлар изҳор этилган.

Россия Федерацияси Президентини Владимир Путиннинг мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллиги билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори бениҳоя юқоридир.

Дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг эзгу аънаваларига таянувчи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида фаол ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, биз ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни бундан

буён ҳам барча йўналишларда мустақамлаб, долзарб халқаро масалаларни ечишда саъй-ҳаракатларимизни самарали равишда мувофиқлаштириб бораверамиз. Бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларига жавоб беради, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Сизга чин қалбдан мустақам соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президентини

Шунингдек, қуйидагилар ўз табриқларини йўллашган:

- Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қиролиги Қироличиси – **Елизавета II**
- Япония Императори – **Акихито**
- Бельгияликлар Қироли – **Филипп**
- Франция Республикаси Президентини – **Франсуа Олланд**
- Ҳиндистон Республикаси Президентини – **Пранаб Мукержи**
- Қозоғистон Республикаси Президентини – **Нурсултон Назарбаев**
- Молдова Республикаси Президентини – **Николае Тимофти**
- Туркия Республикаси Президентини – **Режеп Таййип Эрдоғон**
- Туркия Республикаси Бош вазири – **Бинали Йилдирим**
- Чехия Республикаси Президентини – **Милош Земан**
- Словакия Республикаси Президентини – **Андрей Киска**
- Болгария Республикаси Президентини – **Росен Плевнелиев**
- Малайзия Қироли – **Абдул Халим Муадзам Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV**
- Фаластин Давлати Президентини, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси – **Маҳмуд Аббос**
- Бангладеш Халқ Республикаси Президентини – **Абдул Ҳамид**
- Исроил Давлати Президентини – **Реувен Ривлин**
- Сингапур Республикаси Президентини – **Тони Тан Кенг Ям**
- Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Ички ишлар вазири – **Сайф бин Зайд Ол Наҳаён**
- Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси – **Зигфрид Браке**
- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби – **Рашид Алимов**
- ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори – **Евгений Сисоев**
- Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти – **Сирил Мюллер**
- Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти – **Ким Ин Сук**
- Корея Экспорт-импорт банки раиси ва президенти – **Ли Дук Хун**
- “Самсунг Инжиниринг” президенти ва бош ижроичи директори – **Пак Чунг Хим**
- “ЛУКОЙЛ” компанияси президенти – **Вагит Алекперов**
- Хитой миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгашининг раиси – **Ван Илвин**
- “Поли Текноложиз” компанияси президенти – **Ван Линь**
- “ZTE” корпорацияси президенти – **Чжао Сяньмин**
- “Сумитомо Корпорейшн” Бошқаруви раиси – **Казуо Омори**
- “Марубени Корпорейшн” Бошқаруви раиси – **Теруо Асада**
- “Мицубиси Хитачи Пауэр Системс” Бошқаруви раиси – **Кожичи Танака**
- “Мицубиси Хэви Индустриэз Лтд.” президенти ва катта ижроичи директори – **Шунъичи Миянага**
- “Фужицу Лимитед” президенти – **Тацуя Танака**
- “Исузу Моторс Лимитед” Бошқаруви раиси ва ваколатли директори – **Сусуми Хосои**
- “ИТОЧУ Корпорейшн” президенти – **Масахиро Окафузди**
- Қувват араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори – **Абдулвахоб ал-Бадири**
- Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили – **Петер Буриан**
- Европа Парламенти депутати, Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси – **Ивета Григуле**
- Инҳа университети президенти – **доктор Чой Сунжа**
- Нагоя университети президенти – **Сеичи Мацуо**
- Европа менежмент ва технологиялар мактаби президенти – **Йорг Рохолл**
- Москва ва Бутун Россия Патриархи – **Кирилл**
- Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари – **Викентий**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Икки қуёшнинг тафти

44 Давоми. Бошланган 1-саҳифада

Мен бу таърифларга азиз Ўзбекистонимиз, агар у олтин узук бўлса унинг фирюза кўзи бўлган Хоразм хосиятли заминдир, деган иборани кўшим келади. Раҳматлик отам Аҳмаддон Ражабовни овулда хосиятли азамат дейишарди. Бунинг ўзига яраша сабаби бор. Маълумки, 1912 йили Амударёда оқар сув мисли кўрилмаган даражада тақчил келади. 1913 йилги эса воҳода бир қатра сув бўлмаган учун одамлар ўсимлик илдизигача истеъмол қилишга мажбур бўладилар. Отам дунёга келган 1914 йили дарёга сув сигмай, мўл бугдой, жўхори, арпа, пахта, беда уруғи олинади. Икки йиллик танлафусдан кейин тўйлар учун сурнайлар чалинади.

Отам “Ердан олинадиган ризқдек юкүмлис йўқ” дерди. Умрининг охири дақиқасигача белкураги билан кетмонини ардоқлаб ўтди. Айнан шу донишманд инсоннинг маслаҳати билан Хива қишлоқ хўжалиги техникумининг агрономия бўлимини тугатдим. Диплом олиб келганимда жамоа хўжалигида агроном лавозимига тайинлашмоқчи бўлишди. Отам бу таклифга қатъий рад жавобини берди. “Бир неча йил трактор ҳайдаб, оддий болтидан моторигача ўрганасан. Шунда сендан одам чиқади. Биз-

лар ҳўкиз билан омоч ҳайдаган замон ортда қолди. Энди техника ва илм замони!” деди. Беш йил механизатор, йигирма йил бригада бошлиғи бўлдим. 1976 йили, яъни бундан қирқ йил муқаддам бригада бошлиғи бўлганимда “Болам, деҳқончилик сир-асрорларини пухта ўрганиш учун нима қилиш кераклигини биласанми?” деб сўрадилар. Уруғчилик, алмашлаб экиш ва бошқа агротехника талаблари ҳақида гапиргандек бўлдим. “Ернинг ва элнинг юрағига йўл топиш керак, вассалом!” дедилар. Мана, 46 йилдан буён ер ва элнинг юрағига йўл топишга ҳаракат қилаялман.

Бизнинг Хоразмда “Етти марта та ўлча, етмиш марта ўлча, лекин ёшулли айтган жойидан кес!” деган гап бор. Мен ўз фаолиятимда бирор ишга қўл уришдан олдин етти марта ўлчадим, етмиш марта ўлчадим ва авваламбор отам, кейин Искандар Дўсов ва Машариф Қувақовдек аjoyиб устозлар айтган жойидан кесдим. Кам бўлмадим. Искандар отанинг юлдузи чарақлаган кезларда биз ёш илгит эдик.

Аммо камтарликдан камол топган аjoyиб инсон, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф акадан кўп меҳр кўрдим, ибрат олдим. У гўзага инсонга меҳр бергандек меҳр берарди. Ҳар бир туп ўсимлик билан тиллаша оларди. Гужум соясига

кўк чой ичиб гурунглаганимизда “Пахта – бебахор бойлигимиз. Аммо у сабаб миллатимиз бошига кўп мусибатлар тушди. Энди мангали теримиз бўлди. 1976 йили, яъни ўзимизда қайта ишланса эди!” деб орзу қиларди. Бугун биргина бизнинг Богот туманимизда 5 та пахта толасини қайта ишлайдиган корхона ишлаб турибди. Уша аjoyиб кунларга етдик. Мен пойтахтга отлансам, ўзим ишляётган дала ший-понининг ободлигидан бошлаб, то Мустақиллик майдонигача бўлган беқиёс бунёдкорликни кўриб, кўларим қувонади. Озод Ўзбекистонимиз барча соҳаларда пешқадам мамлакатга айланмоқда. Жуда кўп аjoyиб ишларда ўзим аъзо бўлган O'zLiDeP нинг муносиб ўрни борлиги билан ҳам фахрланаман.

Она заминимизда энг ноёб олтин қазиб олинади. У энг эзгу мақсадларга, республикамиз қудратига қудрат қўшилишига хизмат қилади. Кун кеча Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида Алломишсифат йигитларимиз спортимиз тарихида биринчи марта 13 та медаль олишга мушарраф бўлганини эшитиб қанчалар суяндик. Улар ўзбекнинг қандай куч-қудратга эга эканлигини яна бир қарра исботлашди.

Истиқлолимизнинг муборак йигирма беш йиллиги муносабати билан мухтарам Президентимиз



Ислам Каримов Фармониға биноан тўрт кишиға, шу жумладан, камтарин меҳнатларим учун менга ҳам “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилибди. Бунинг учун “Хоразм деҳқонининг ҳар бир кунни қаҳрамонликдир” деб айтган азиз давлатимиз раҳбарига, жонажон юртимга чин юракдан чексиз миннатдорчилик билдираман, мустақиллик аҳил ва ардоқли халқимизнинг пешонасига мангу ёзилган бўлсин, дейман!

Шарифбой РАЖАБОВ,
Богот туманидаги “Богот” фермер хўжалиги раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси

Эътибор ва ғамхўрлик

хотин-қизларни ҳар жабҳада фаол бўлишга ундамоқда

- ✓ Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ хотин-қизларнинг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси амалда таъминланмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатта асосан, Қорақалпоғистон Републикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилди. Улар жойларда ҳоким ўринбосарлари этиб тайинланди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосари макрмига эга бўлди.

Она соғлом бўлса, фарзандлар соғлом, оила бахтли бўлади. Исобот талаб этмайдиган ҳақиқат шуки, истиқлол йилларида жамиятда аёлларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш ва амалга оширила-

ётган кенг қамровли ислохотларда янада фаол иштирокини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада янги бир даврни, янги бир босқични бошлаб берди. Яъни, ушбу ҳужжат хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилада ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

2016 йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши ва бу борада махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқиши эса бундай хайрли ишларнинг узвий давоми бўлди. Ушбу Дастур асосида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда аёл-

ларга ҳурмат-эҳтиром муҳитини янада мустақамлаш, баркамол авлодни тарбиялашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар юртимизда бўйлаб изчил давом эттирилмоқда. Айни пайтда юртимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустақамлаш йўлида қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари самарали фаолият олиб бормоқда. “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, “Меҳр нури” жамғармаси ва маҳалла институти қабила бунга яққол мисол бўла олади.

Энди айтинг-чи, илгари бундай ғамхўрлик, эътиборни тасаввур қилиш мумкинмиди? Кундузи далада кетмон чопиб, тунлари бешик тебратиб, рўзгор ташвишидан ортаман опа-сингилларимизнинг машаққати, дарди фақат ўзига аён эди-да. Мустақиллик эса ўзбек аёлга ўзлигини англаш, замон билан ҳамнафас яшаб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш бахтини берди! Бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир аёл ана шу бахтни ҳис этиб яшамоқда.

Дилфуза УРОЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Юксак ишонч белгиси

- ✓ Ҳар йили истиқлол байрами арафасида бир қанча юртдошларимиз Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш ва кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун мамлакатимизнинг юксак унвонлари, ордон ва медаллари билан тақдирланмоқда. Истиқлол айёми арафасида Президентимизнинг жорий йил 1 июлдаги фармониға биноан таъсис этилган “Ўзбекистон мустақиллигиға 25 йил” эсдалик нишонини билан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасида фаолият юритаётган бир гуруҳ ходимларни тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

– Чорак аср “Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?” деган ҳақли савол устида мушоҳада қилиш, кейинги йилларда ҳаётимизда содир бўлган ижобий ўзгаришлар, қўлга киритилган улкан ютуқ ва марраларимизни тарихисо қилишга арзигулки мuddат, – деди эсдалик нишонларини топшириш маросимида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

Содиқжон Турдиев. – Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган партияимизда ушбу эсдалик нишонини билан тақдирланганлар сонининг кўпчилиги зиммамиздаги масъулият, ишга муносабат ва ўзимизга бўлган талабчанликни икки қарра оширади. Биз партиявий ишимиз билан халқимизга, айниқса, электротар вакилларига 25 йил давомида мамлакатимиз ижти-

моий-иқтисодий ҳаётда юз берган ўзгаришлар мазмун-моҳиятини аниқ мисоллар ва таққослар ёрдамида теран тушуниришимиз, ёшлар онгу шуурида истиқлолни, тинч-осуда кунларни қадрлаш ва асраб-авайлаш туйғусини шакллантиришимиз лозим.

– Тинчлик-осойишталик барқарор бўлган юртда бундай юксак эътибор ва кўнгилни осмон қадар юксалтирадиган воқеалар татийди, – деди “XXI asr” газетаси Бош муҳаррири Норқобил Жалилов. – Тахририятимизнинг 9 нафар вакилиға ана шундай эсдалик нишонини топширилгани ижодий жамоамизға бўлган юксак ишонч белгиси десам асло муболага бўлмайди. Биз бундан кейин ҳам ана шу рағбат ва эътиборни муносиб равишда оқлашга интиламиз.

“Ўзбекистон мустақиллигиға 25 йил” эсдалик нишонини топширишга бағишланган байрамона тадбирлар турли давлат ва жамоат ташкилотларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Ҳасан САЛОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ШУКУҲ

Меҳнатидан қадр топганлар

“Шу муқаддас Ватанда азиздир инсон”. Ушбу тамойил ҳаётимизнинг бош мезонига айланган. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимизнинг ғайрат-шижоати, астойдил меҳнати ҳукуратимиз, Юртбошимиз томонидан муносиб тақдирланаётгани ҳам ана шундан далолат беради. Бундай улкан эътибор ва рағбат мукофотланганларни янада иштиёқ билан ишлашга, янги-янги марраларни эгаллашга ундамоқда...



Ёқуб ФАТТОВЕВ,
Пешку туманидаги “Фаттов”
фермер хўжалиги бошлиғи,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби,
O‘zLiDeP аъзоси:

– Тинч ва осуда кунларга шукроналар айтиб, кундалик юмушлар билан кўчага отланар эканмиз, машинанинг раво йўлда олиши, радиодан янграётган хуш тарона оғушида атрофга назар солганда кун сайин чирой очаётган юртимиз қиёфасини кўриб дилимиз яйрайди. Озода йўлақларга сепилган сувар тафти димогингизга урилиб, ажиб хуш кайфиятни ҳис этасиз. Бу латиф туйғуни дунёнинг қайси бир бурчагидаги замондошим орзу қилаётганини ўйласам, биз ҳақиқатан ҳам бахтиёр замин фарзанди эканлигимиз ва “агар жаннат ерда бўлса, устидадир Ўзбекистон” каломини такрор-такрор айтгингиз келаверади.

Энг муҳими, бундай мамлакатда ҳалол ишлаб, меҳнат қилган инсон, албатта роҳат кўради, рағбатга муносиб топилади. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида кўплаб юртдошларим қатори юксак мукофотга сазовор бўлганимни бир вақтлар камситилган ва айни кунда ўз ери, ўз муҳри, ўз ҳуқуқи, ўз даромадига эга бўлган деҳқон меҳнатининг улуглангани деб биламан.



Абдуқодир ШАЙМАТОВ,
Зарбдор туманидаги “Жўрабек”
фермер хўжалиги раҳбари,
“Меҳнат шухрати” ордени соҳиби,
O‘zLiDeP аъзоси:

– Айни кунларда она Ватанимизда энг улуг ва энг азиз байрам – Истиқлолнинг 25 йиллиги тантаналари қизгин нишонланмоқда. Улуг шодийнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва кўламини бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг салмоғи билан ўлчасаккина тўлиқ англашимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимиз эришган ютуқларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун бугунги ҳаётни кечаги кун билан солиштириб кўриш керак. Шундагина бугунги дамларнинг қадрига етамиз. Бинобарин, кеча ким эдигу, бугун ким бўлдиқ, деган саволга жавоб излар эканмиз, биргина Жиззах вилояти

фермерлари мисолида кўплаб факт ва рақамларни келтириш мумкин. Авваламбор, мустақиллик пахта яккахокимлигига барҳам берди. Фермерлик ҳаракатига асос солиниб, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида иштирок этиб қайтган фермерларимиз ўз маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан шартномалар имзолашди.

Камтарона меҳнатларимга юқори баҳо берилиб, қутлуг байрам арафасида Президентимиз фармонино биноан “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланганим,

нафақат менга, балки хўжалигимиз аъзоларига берилган мукофот деб биламан. Бундан юксак эҳтиром барчамизга катта масъулият юклати билан бирга фидокорлик

кўрсатишга, элимиз дастурхони тўкин-сочин бўлишида, юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшишда камарбаста бўлишга ундайди.



Фуломбек ИСМАИЛОВ,
Ҳазорасп туманидаги “Ғофур – Руҳия” фермер хўжалиги бошлиғи,
“Шухрат” медали соҳиби,
O‘zLiDeP аъзоси:

– Чинакамига ишлаган, ерни эъозлаган деҳқон мўл даромад эгаси бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Уруғни ерга қадагандан то ҳосил олгунча бўлган заҳматни, баъзида тунни тонгга улаб, ой нурида дала кезиб юрган ер эгасининг бедорлигини фақат у билан ёнма-ён бўлган, ушбу жараёни бошидан ўтказган кишигина тўла тасаввур эта олади.

Албатта, юртимиздаги минглаб миришкорларимизнинг фидокорона меҳнати замирида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, давлат ва халқ олдидаги хизматини ҳис этиб яшаш бахти мужассам. Ана шундай бахтиёр инсонларнинг қаторида эканлигимдан фахрланаман.

МУНОСАБАТ

Баркамол ёшлар – мамлакат келажоғи



Иброҳим ХОДЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Бугун давр шиддати билан ёшларнинг дунёқараши кенгайиб, тафаккури ривожланмоқда. Шу боис, ёшлар тўғрисидаги қонун ва қонунности ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳар доимгида долзарб аҳамиятга эгадир. Ана шундан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси янги тахрирда тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури талаблари асосида ишлаб чиқилган янги тахрирдagi ушбу қонун эрта замон эгаларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, соҳада кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини юксалтириш имконини беради.

Биз, депутатлар, жойларда сайловчилар хусусан, бевоқиф ёшлар билан бўлган учрашувларда ушбу қонун тўғрисидаги маълумотларни тўхталиб, уларнинг тақлиф-мулоҳазалари билан қизиққаннимизда улар бу қонун кучга киргач, ёшларнинг Ватан равнақи йўлидаги фаоллиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, интилувчанлиги янада орттишига хизмат қилишини таъкидлашди. Айниқса, таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар берилиши, ўрта махсус, касб-хунар ёки олий таълим муассасасини битиргандан кейин бандликни таъминлаш қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги ёшлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Қонунни янги тахрирда ишлаб чиқилиши фикримизча, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги изчил ҳаракатларимизда ёшларнинг фаол иштирокини янада кучайтириш, бу соҳадаги ислохотларни янги ва янада юқори босқичга кўтариш, жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборот технологиялари тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришларни ҳолисона ва танқидий баҳолаган ҳолда ёшлар сиёсатини амалга оширишда қўшимча чора-тадбирларни белгилаб олишга имкон яратади. Зеро, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган ёшларга оид дастур ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат пировард натижада муваффақиятга эришади, десак хато бўлмайди.

Сир эмас, бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бу технологияларни бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида қўллашлари, яна кимлардир ижтимоий тармоқлар орқали миллионлаб онги мўрт, ҳаётда мустақил фикрлашга, позицияга эга бўлмаган ёшларни тўғра тушириш ва ўзларининг қабил мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқдалар. Мақсад – ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёхуд халқнинг онгига салбий таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборат. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги

эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлироқ фожeadир.

Бундай шароитда ҳар қандай хушёр давлат тиббий тил билан айтганда, “эмлаш” чораларини кўриши лозим бўлади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотманган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиятимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган гоёлар билан чалғитиб, ўзининг гаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади. Миллий манфаатларимиз ва мақсад-муддаоларимизга бегона бўлган бундай зарарли мафқуралар тажовузи, бошқа хавф-хатарлар, айниқса, бизнинг минтақамизда кучайиб бормоқда. Ёшларимизни бу бало-қазолардан асраш учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда эса, уни ёшларнинг илмига, касб-хунар, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янги ҳаёт мазмуни, янгиқа кадрлар билан тўлдириб лозим. Энг муҳими, шунинг унутмаслигимиз тармоқлар орқали миллионлаб онги мўрт, ҳаётда мустақил фикрлашга, келажоғимизга таҳдид солиб турган бу хавфларнинг олдини олиш учун бугун қатъий ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин”.

Шу маънода “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакат келажоғи бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

✓ Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига иккита масала киритилди. Очiq мулоқот шаклида ўтган йиғилишда тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви органлари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг вилоятдаги ижроси атрофлича муҳокама этилди.

Сарҳисоб ва таҳлил

– Сир эмаски, тадбиркор ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш, мазкур қатлам фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш партияимиз дастурий мақсадларидан биридир, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳаммаджон Усмонов. – Шу маънода тадбиркорларни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиш ва уларга оқилона ечим топиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Ана шу устувор вазифалардан келиб чиқиб, ушбу йиғилишда солиқ идораларида тадбиркорлар учун солиққа оид янгиликлардан хабардор бўлиш, ҳисоботларни электрон шаклда топшириш, электротимиз вакиллари бўлган фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ер майдонлари ажратилиши, сув таъминоти, янги технологияларни солиқ имтиёзлар ва улардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар ўрин каби масалаларда дуч келётган муаммоларнинг ижобий ечим топишига кўмаклашиш учун дахл-

дор бўлган ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитдик. Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Баҳодир Ҳамидов мазкур масала юзасидан депутатларга ҳисобот берар экан, бугунги кунда қўмитанинг 31 та электрон, шу жумладан, 18 та интерактив ва 13 та ахборот хизмати my.soliq.uz порталига жойлаштирилганлигини таъкидлади. Жумладан, порталнинг “Кўп учрайдиган саволлар” ахборот хизмати маълумотлар базасига тадбиркорларни қизиқтирадиган 3 минг 200 дан ортиқ саволлар киритилган. “Солиқ имтиёзлари маълумотномаси”да эса тадбиркорлар учун яратилган интерактив хизматиде солиқ турлари, ставкалари, мавжуд имтиёзлар ва улардан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Маълум бўлишича, вилоят давлат солиқ органларига 2016

йилнинг ўтган етти ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан 1808 та муурожаат келиб тушган. Уларнинг 882 таси ижобий ҳал этилган. Бундан ташқари интерактив хизматлар ёрдамида мустақил равишда ҳисобланган, жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк ва ер объектлари учун солиқларни “Клик”, “Мбанк” ҳамда “Юлей” хизматлари орқали тўлаш имкони яратилди. Депутатлик гуруҳи йиғилишида кун тартибидеги иккинчи масала юзасидан вилоят ҳокимлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Ғиёсиддин Зиёвидинов, вилоят фермерлар кенгаши раиси Улугбек Жўраев ҳамда Чортоқ туман ҳокимлигининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи Жавлонбек Фозиловнинг ҳисоботи эшитилди. Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган олти ойида вилоятда 197 минг 200 тонна сабзавот, 90 минг 600 тонна картошка, 45 минг 500 тонна мева, 9 минг

100 тонна полиз, 1 минг 600 тонна узум, 57 минг тонна гўшт, 256 минг 800 тонна сут, 186 миллион 300 минг дон тухум ишлаб чиқарилиб, шартнома режалари ортиги билан бажарилган. Шу билан бирга вилоятда жорий йилда сизими 2 минг 25 тонна бўлган 6 та музлаткичи янги омбор қуриш ва 1 минг 500 тонна қувватга эга бўлган 1 та омборхонани модернизация қилиш кўзда тутилган бўлиб, ўтган олти ойда Тўрақўрғон туманида “Наманган улгуржи савдо инвест”, Чортоқ туманида “Ёрқин агрофирмаси” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда Учқўрғон туманида “Саидқарим ота” фермер хўжалиги томонидан сизими 1000, 50 ва 25 тонналик музлаткичи камералар қуриб фойдаланишга топширилган. Дастурдан ташқари яна умумий сизими 7 минг 200 тонна бўлган 4 та лойиҳа бўйича ҳам ишлар давом этмоқда. Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган йиғилишда O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари вилоят давлат солиқ идораларида тадбиркорларнинг солиқ қонунчилигига оид ҳужжатлардан хабардорлиги, тарғибот ишлари кўлами ва таъсирчанлиги, электрон давлат хизматлари сифатини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш, сақлаш бўйича ишга солинмай келётган омиллар хусусида ҳам фикр-мулоҳаза юритдилар. Бунда айниқса, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, тижорат банклари билан бўладиган муносабатлар, янги технологиялар сотиб олиш, мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини четга экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланди. Тадбир якунида депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
“XXI аср” мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

КҮРИК-ТАНЛОВ

Ёш ишбилармонлар беллашуви

Навоий вилоятида O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг республика босқичида ўзига ишонган, илмга чанқоқ, дунёқараши кенг, қўли гул хунарманддан тортиб, инновацион гоялари билан барчанинг эътирофига сазовор бўлган йигит-қизлар буюк аждодларига муносиб ворис эканлигини исботлашди.



– Ёшлигимдан гул парварилашни яхши кўраман, – дейди "Ишбилармон талаба" кўрик-танлови ғолиби, Андихон вилоятидаги Олтинқул иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Зулайхо Каримова. – Гул кайфиятини кўтарди, хонага табиий ғўзаллик бағишлайди. Ҳовлимизда иссиқхона бор. Ҳар тонг гулларимга сув куюр эканман, кўнглим таскин топиб, меҳрим жўшиб кетади. Дугоналаримдан кимдир хафа бўлса, унга гул улашаман. Жорий йилда коллежимизнинг 1,5 гектар майдонига иссиқхонамизда етиштирилаётган турфа гулларни ўтказдик. Келажакда олий даргоҳда ўқиш билан бирга гулчилик билан ҳам шуғулланиб, вилоятимиз кўчаларини обод ва чиройли бўлишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Қалби эгу орзулар билан лиммо-лим Зулайхо каби ёшлар юртимизнинг ҳар бир гўшасида топилади. Айтиш жоизки, 2004 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичи ўтказилди. Қўвонарли жиҳати, йилдан-йилга ушбу лойиҳанинг ёшлар ўртасида обрў ва нуфузи ортмоқда.

Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритиб, хуш кайфият билан Навоий шаҳрига келган қатнашчилар Марказий маданият ва истироҳат боғида қад ростлаган улғу бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига O'zLiDeP ёшлари номидан анвоий гулдасталар қўйишди.

– Истиклолнинг ўтган 25 йили давомида мамлакатимиз миқёсда, қолаверса, юртдошларимиз ҳаёти, онгу шуурида рўй берган оламшумул ўзгариш ва янгиланишлар, халқ ҳўжалигининг турли соҳалари-

водхонлигини ошириш ниятида ўтказилаётган тадбирлар натижасида ёшларда тадбиркорлик кўникмалари шаклланиб, ишбилармонлар сафи кун сайин кенгайиб бораётгани хусусида сўз юритишди.

Тадбир давомида 42 нафар кўрик-танлов иштирокчиси ҳамда Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган 20 нафар ёш тадбиркор ва фермернинг кўргазмалари ташкил этилди. Унда қатнашчилар ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, тўқувчилик, пазандачилик, фермерлик ва бошқа йўналишларда тайёрлаган маҳсулотларини намойиш этишди. Бундан ташқари, ёшларнинг "Инновацион лойиҳа" йўналиши бўйича нашрдан чиқарилган китоб ва мақола, суратлари намойиши томошабин ва ҳакамлар ҳаёти томонидан юқори баҳоланди.

– Ёғлим Равшанжон Бухоро шаҳридаги туризм коллежида ўқиш баробарида кандакорлик билан ҳам шуғулланади, – дейди Рамазон Жаҳонов. – Бу ерга уни қўллаб-қувватлаш баҳонасида келиб, икки кунлик тадбирдан бир олам таассурот олдим. Эндигина балогатга етаётган ўғил-қизларнинг ижод маҳсули бўлган техник ишланма ва ижодий ишлар кишини ҳайратга солиди. Мана шу қора кўзлар келажакда ўз иқтидорини юртимизнинг тараққиёти учун сарфлашига ишонаман.

"Фарҳод" маданият саройида ғолиб ўқувчиларга O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг махсус стипендиясини олиш ҳуқуқини берувчи дипломлар топширилди. Тадбир сўнггида ёш ижрочилар томонидан уюштирилган катта байрам концерти йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI as" мухбири



СЎЗ ҒОЛИБЛАРГА!

Сайёра Зейдуллаева,
Навоий маданият ва санъат коллежи ўқувчиси:

– Эсимни танибманки, қўлимдан игна-ип тушмайди. Бувим доим "Хунарли одам ҳеч қачон хор бўлмайди", дерди. Шу боисдан бизни ҳам бўш вақтимизни бекор ўтказмасдан, илм олишга, хунар ўрганишга чорлар эди. Бугун каштачилик йўналишида биринчи ўринни олдим. Эндилкида қатъий мақсадларни олдимга қўйиб, ўз устимда кўпроқ ишлашим зарур.

Баҳодир Раҳматов,
Оқдарё хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси:

– Бугунги тадбирда иқтидорли, хунарли тенгдошларим билан танишиб, фикрларимизни ўртоқлашдик. Турли йўналишда ижод қилаётган йигит-қизлардаги зийраклик, илмга чанқоқликни кўриб, кучимга-куч қўйилди. Ўймакорликнинг сир-асрорини янада кўпроқ ўрганиш, келажакда маҳсулот ишлаб чиқариб, хорижга экспорт қилишни мақсад қилдим.

Меҳрибон
Исматова,
Қарши тиббиёт
коллежи ўқувчиси:

– Бугун ғолиблар сафидан жой олиб, вилоятимга хурсанд қайтаяман. Кўни-қўшнларим, қариндош-уруғларим буюртмаси асосида торт, ширинликларни пишираман. Келгусида катта тадбиркор бўлиб, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи очиб ниятим бор.

ҚАРОВ ВА ИЖРО

Имкониятлар янада кенгайди

O'zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кичик саноат зоналарининг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги "Давлат мулк объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг

2014 йил 31 декабрдаги "Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги ниҳоят тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари ва уларнинг ижроси юзасидан партия ташаббускорлигида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳаммадjon Усмонов ишчи гуруҳи томонидан вилоятда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларда хусусий тадбиркорлик субъектларига яра-

тилган имконият ва шароитларни ўрганиш натижалари тўғрисида ахборот берди. Маълум бўлишича, Наманган шаҳри ва Тўрақўрган туман ҳокимликлари ҳузурда кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси ва хусусий-лаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш давлат унитар корхоналари фаолияти йўлга қўйилган. Наманган шаҳрида 5,5 гектар, Тўрақўрган туманида 11 гектар бўш турган майдонлар негизда кичик саноат зоналари ташкил этилиб, тадбиркорларга узоқ муддатли ижарага фойдаланиш учун

берилган. Ушбу ер майдонларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳисобига 294 та янги иш ўрни яратилган.

Тадбир якунида бу борадаги молиявий манбаларни янада мустақамлаш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб жойларда турли йўналишларда янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш, илғор тажрибаларни омдалаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбири

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Юртимизда ёшларнинг билим олиши, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўз иқтидорини намоён этиши учун барча шароит яратилган. Дарҳақиқат, бундан йигирма беш йил аввал мустақилликни қўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз биз танлаган йўлнинг нақадар тўғри эканини кўрсатмоқда.

Мустаҳкам пойдевор

Президентимизнинг таъкидланганидек: "жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонига рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатмоқда".

Ҳақиқатан ҳам олий таълим ривожини ва баркамол авлод тарбиясида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти бекирилди. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртли орасида Жиззах политехника институти ҳам ўзига хос мавқега эга бўлиб, ҳар томонлама етуқ кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 июндаги "Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2014 йил 12 июндаги "Жиззах политехника институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарорлари институти ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Айни кунда мазкур муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида таълим масканимиз-

Эргаш
САЛИЕВ,
Жиззах политехника
институти ректори,
O'zLiDeP депутатлик
гуруҳи аъзоси, Халқ
депутатлари вилоят
Кенгаши депутати



да учта факультет ва ўн еттита кафедрада йигирма битта йўналиш бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда ҳамда уларга 340 нафардан зиёд профессор ўқитувчилар таълим-тарбия беришмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги фармони институти бўш биноси, спорт зали, аудитория ва лабораториялари қилмоқда. Бойси, Жиззах махсус индустриал зонасига жорий этилган ва ишга туширилаётган ишлаб чиқариш корхоналари учун замонавий технологияларнинг тилини тушунадиган, малакали мутахассислар жуда зарур. Таълим даргоҳимиз эса айнан ана шу эҳтиёжни қондирадиган йирик илмий марказга айланиб бормоқда. Ушбу фармон ижросини таъминлаш, яъни Жиззах махсус индустриал зонасидаги ишлаб чиқариш корхоналарини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида институтида электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, метрология, стандартлаштириш ва

маҳсулот сифати менежменти, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси, электроника ва асбобсозлик, радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар каби янги йўналишлар очилди. Талабаларнинг ҳар томонлама малакали мутахассис бўлиб етишиши учун институти бўш биноси, спорт зали, аудитория ва лабораториялари қилмоқда. Бойси, Жиззах махсус индустриал зонасига жорий этилган ва ишга туширилаётган ишлаб чиқариш корхоналари учун замонавий технологияларнинг тилини тушунадиган, малакали мутахассислар жуда зарур. Таълим даргоҳимиз эса айнан ана шу эҳтиёжни қондирадиган йирик илмий марказга айланиб бормоқда. Ушбу фармон ижросини таъминлаш, яъни Жиззах махсус индустриал зонасидаги ишлаб чиқариш корхоналарини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида институтида электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, метрология, стандартлаштириш ва

Бундан ташқари, институтида жамоат билан таъминлаш йигирма беш йиллик тўғрисида, шунингдек, талабалар сифати қабул қилинган билимдонларга мукофоти ҳамдир.

Минг йиллик тўғон қайта қурилди

Истиклолнинг 25 йиллигини Нуробод туманидаги Жом қишлоғи аҳолиси кўп йиллар эслаб юрадиган бўлишди. Нега десангиз, яқинда қишлоқдан ўтувчи Омондара сойида паст босимли тўғон ишга туширилди.

Кексаларнинг айтишларича, XI асрда Қорахонийлар подшолиги даврида қурилган қадимий "Ғишбанд" сув омбори қолдиги ўтган асрларга келиб бутунлай қаровсиз аҳволга келиб қолган эди. Бу эса ҳар йили баҳорда сел босиб, сой ёқасида яшовчи аҳолининг талофат қўришига, ёзда эса ариқлар қақраб кетишига сабаб бўлган.

– Қишлоғимиз тоғли худудда жойлашган, баланд чўққилар бағрида "Бошбулоқ", "Ўртабулоқ", Омондара, "Ҳаприн ота" каби катта-кичик булоқлар бор, – дейди Бердимурод бобо Равшанов. – Ана шу булоқларнинг суви аҳоли учун ҳаёт манбаидир. Янги ишлоотнинг қурилиши эса

деҳқончилик ривожига муҳим омил бўлади. Чунки, ёзда сой суви қуриб қолганидан деҳқончилик кўнгилдагидек бўлмасди. Энди сойларимиз оби ҳаёт билан файзиёб бўлади, қишлоқ ҳавоси янада мусаффо бўлади.

Жомда ўн етти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, аксарияти хунармандчилик билан шуғулланади. Янги тўғон қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, деҳқончиликни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Давлат томонидан ажратилган тендер суммаси 3 миллиард 690 миллион сўм қийматда бўлган "Омондара" тўғони аввалгисини тарихий ёдгорлик сифатида сақлаб қолган ҳолда бунёд этилди.


Ўз мухбири



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

“Хурриятга ишонч, саботинг керак...”

✓ O'zLiDeP Бекобод шаҳар Кенгаши таркибига кирувчи 46 та куйи бўғинда иш олиб бораётган 2 минг 256 нафар маслақдошимизнинг аксарияти партия юқори органларининг йўл-йўриги асосида истиқлол айёмини муносиб нишонламоқда.



шартлиги белгиланди. Шаҳарда 6 та касб-хунар коллежи бор. Уларнинг айримларида янги бўлимлар очиш эҳтиёжи мавжудлиги, ўқувчиларга транспорт хизмати кўрсатишда имтиёз жорий этиш масалалари кўтарилаёпти. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларни ўйлантираётган масалаларга кенг жамоатчилик диққатини қаратиш, шунингдек “Шаҳар ҳокими ва ёшлар учрашуви”, “Депутат билан талабалар мулоқоти”, “Тадбиркор билан юзма-юз” деб номланган тадбирларни йўлга қўйиш зарурлиги айтилмоқда.

Яқинда “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятидаги бошланғич партия ташкилоти фаоллари ташаббуси билан шахмат турнири ташкил қилинди. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган юртдошларимиз иштирок этган ушбу мусобақа турли авлод вакилларининг ўзаро баҳсига айланиб кетди.

“Бекобод шаҳар электр тармоқлари” корхонасидаги сафдошларимиз саъй-ҳаракати билан эса шаҳардаги бошланғич ташкилотлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Бу, нафақат, мазкур спорт турини оммавийлаштириш, балки маслақдошлар ўртасидаги

алоқа янада мустаҳкамланиши, илғор тажрибалар оммалашшига ҳам хизмат қилиши табиий.

“Ўзбектелеком” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Бекобод телекоммуникациялар боғламаси”даги партияимиз таянч тузилмаси фаоллари эса маҳаллаларда ҳашар уюштиришди. Маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўркамлаштириш ҳар бир ҳашарчига завқ-шавқ, кўтаринки кайфият бағишляпти.

– Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон – келажиги буюк давлат” ғояси халқимизнинг

шартлиги белгиланди. Шаҳарда 6 та касб-хунар коллежи бор. Уларнинг айримларида янги бўлимлар очиш эҳтиёжи мавжудлиги, ўқувчиларга транспорт хизмати кўрсатишда имтиёз жорий этиш масалалари кўтарилаёпти. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларни ўйлантираётган масалаларга кенг жамоатчилик диққатини қаратиш, шунингдек “Шаҳар ҳокими ва ёшлар учрашуви”, “Депутат билан талабалар мулоқоти”, “Тадбиркор билан юзма-юз” деб номланган тадбирларни йўлга қўйиш зарурлиги айтилмоқда.

– Унутмаслик керакки, партияга аъзо бўлган кишининг сиёсий куч тўғрисидаги илк тасавури, қарашлари айнан бошланғич ташкилотда вужудга келади, – дейди “Бекободцемент” акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган куйи ташкилот етакчиси Насиба Яхяева. – Унинг қанчалик фаол бўлиши ҳам БПТ ишининг пишқиқ-пухталлигига боғлиқ. Айтиш керакки, имкониятлардан унумли фойдалансак, аъзоларимиз сони янада ортиб, омма орасига чуқурроқ кириб борамиз. Зеро, O'zLiDeP бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва изчил такомиллаштириш йўлидан бораёти. Биз ҳам “Кучли куйи бўғиндан кучли партияга” ғояси асосида партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг қадам ташлашга интиляпмиз.

Бехзод ИСРОИЛОВ,
“XXI аср” мухбири

✓ Андижон шаҳридаги “Наврўз болажон” нодавлат болалар таълим-тарбия маркази 2004 йилда барпо этилган. Ушбу маскандаги партияимиз бошланғич ташкилотиде саккиз нафар партия аъзоси бор. Эътиборлиси, куйи бўғин марказ билан деярли бир вақтда ташкил этилган. Муассаса раҳбари, БПТ етакчиси Муҳаббат Қодированинг айтишича, тарбиячилар ушбу даргоҳ баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутишини чуқур англашмоқда. Уларнинг ўз касбига янада масъулият билан ёндашишида O'zLiDePнинг ёшларимиз маънавий салоҳиятини узлуксиз юксалтиришга интилиши тўғрисидаги дастурий ғоя ва мақсадлари ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

“Наврўз болажон” ташаббускор болаларни тарбияламоқда

Қайд этиш керакки, М. Қодирова марказда бошланғич ташкилот тузаётган пайтда Халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик бораётганди. Ўшанда ишчан, сергайрат аёл шаҳар Кенгашига партияимиздан депутат этиб сайланган. У жойларда либерал-демократик ғояларни тарғибот этишда фаоллик кўрсатди, депутат сифатида ҳам зиммасидаги вазифаларни бекаму кўст адо этиб, сайловчилари ишончини оқлади.

– Тарбияланувчиларнинг билимга эҳтиёжини таъминлаш мақсадида боғча гуруҳларидан чиққан болаларни бир синфда жамлаб, таълимнинг узвийлигини амалга оширишни мақсад қилиб қўйгандик, – дейди марказ раҳбари. – Бу таклиф, аввало БПТ аъзолари томонидан илгари сурилганини эътироф этишим зарур. Шу ернинг ўзида бошланғич синф ташкил этилиши ота-оналарга ҳам маъқул бўлди.

Шу кунларда муассасада 6 та гуруҳда 75 нафар бола тарбияланмоқда. Ўқув режалари давлат таълим стандартларига асосан тузилган, машғулотлар таълим олувчининг ёши, физиологик ва психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган. Болаларга тўрт маҳал овқат берилади, саломатлиги доимо

врач-педиатр назоратида. Уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайиши учун 30 нафар тарбиячи ўз ишига ижодкорона муносабатда бўлмоқда.

Етакчининг таъкидлашича, БПТнинг ҳар бир аъзосига муайян йўналиш буйича мунтазам топшириқ берилади. Уларнинг бажарилиши йиғилишларда муҳокама қилинади. Масалан, Лола Абдуллаева ва Ольга Подговинанинг зиммасига бошланғич синфда ўзини ўзи бошқариш органи ташкил қилиш юклатилган эди. Янги тузилма ноанъанавий ташаббуслар билан чиқмоқда. Чунончи, ўқувчилар кенгаши томонидан “Наврўз болажон овози” деворий газетаси чоп этилиб, Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган тадбирда тарбияланувчилар томонидан тайёрланган таомлар хайрия ярмаркаси ташкил қилинди. Тадбирдан тушган маблағлар Меҳрибонлик уйига тортиқ қилинди.



Яқинда – истиқлол байрами муносабати билан муассаса яқинидаги “Яхши” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидеги ёлғиз инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга тарбияланувчилар томонидан ясалган турли буюм, расм, совғалар ҳам тарқатилди. Бундай тадбирларни амалга оширишдан мақсад, митивойларда ҳозирданоқ ташаббускорлик, ишбилармонлик, етакчилик қобилиятларини шакллантириш, фикрлаш доирасини кенгайтиришдир.

Аъзам ҚОДИРОВ

✓ Жиззах шаҳридаги Почта алоқа тармоғида фаолият юритаётган куйи бўғинда “Мустақиллик – фахримиз, ифтихоримиз ва келажимиз” номли давра суҳбати ўтказилди. Унда O'zLiDeP Жиззах шаҳар Кенгаши ходимлари, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партияимиздан сайланган депутатлар, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, БПТ раислари иштирок этишиб, юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш йўлида дадил одимлар ташланаётганини эътироф этишди.

Дадил одимлар

Шунингдек, келажимиз эгалари – ёшлар ўз кадр-қимматини чуқур англаган, эркин фикрлайдиган, бетақдор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиши билан бирга дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштираётганини аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил этишди.

Бахмал тумани тиббиёт бирлашмаси бошланғич партия ташкилотиде бўлиб ўтган “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан”

мавзуидаги давра суҳбатида ҳам иштирокчилар мустақиллик шарофати билан юксак муваффақиятларга эришилганлиги, давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий салоҳияти кун сайин ортиб бораётгани, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифати изчил ошаётгани ҳақида сўз юритишди.

Исомиддин ҲАМИДОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари



Партия кучли ва очиқ фуқаролик жамияти негизини ташкил этиши лозим бўлган эркинлик, масъулиятчилик, бағрикенглик, ижтимоий адолат ва имкониятлар тенглиги каби либерал-демократиянинг асосий қадриятларига содиқлигини ифода этади.

O'zLiDeP
Дастуридан

Мулкдорлар мулоқоти

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш энг долзарб вазифалардандир. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда мулкдорлар ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади.

Нукус шаҳридаги “Ривож – Юлдуз” хусусий корхонасида иш юритаётган куйи бўғин аъзолари саъй-ҳаракати билан ўтказилган “Истиқлол шарофати билан мулкдор бўлдим” номли очиқ мулоқотда партия фаоллари, ишбилармонлар истиқлолнинг кадр-қиммати тенгсиз эканини ҳаётий воқеалар орқали ифодалашди.

Ўз мухбиримиз

✓ Шўрчи тумани ҳокимлиги қошидаги Ягона дарча марказида фаолият олиб бораётган “Тадбиркор” бошланғич партия ташкилотиде “Мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш учун курашмоқ керак” мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда партия маҳаллий ташкилоти ходимлари, Халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳлари аъзолари, куйи бўғинлар раислари иштирок этди.

Фаоллик мезони

O'zLiDeP вилоят Кенгаши депутати Бўрон Менгбоев ҳамда партия туман ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Қулматов миллати, тили, диндан қатъи назар, юртимизда яшаётган барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар томонлама ҳимоялангани, халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликка қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси,

истиқлол ғояларига садоқатини намойён этиб, жаҳон майдонида ҳурмат қозонгани хусусида сўз юритишди. Шунингдек, пухта ўйланган ислохотлар тинч ва фаровон ҳаётимиз учун мустаҳкам замин яратганини қайд этишди.

Нигина ШОЕВА,
O'zLiDeP Шўрчи туман Кенгаши масъул ходими

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

Истиклол байрамга миллион қадам

Сайёҳ Абдуҷаббор Холбоев билан суҳбат

Намангандан тўйдан қайтаётгандик. Чустдан ўтганимизда ҳайдовчимиз Нўмонжон ака машинасини секинлатиб, орқага қайта бошлади. Алпомиш келбатли, оғиркарвон Нўмонжон ака “Нексия” сини йўл четида кетиб бораётган одам ёнида тўхтатди. Шундагина йўл ёқасидаги олди-ю ортига ёзувли тахта осиб олган кишига эътибор бердик. Унинг елкасидаги “Мустақиллик байрамга миллион қадам” деган ёзув диққатимизни тортмай қолмади, албатта.

— Ассалому алайкум! — дедик қарши-сига машина келиб тўхтаганини ҳам сезмагандек йўлида давом этётган кишига. У бир зумга тўхтаб, биз томон ялт этиб ўтирилди. Шу орада ўрта бўйли, қотмадан келган, қорамағиз бу кишининг кўксигаги ёзувни ўқишга улгурдик: “Ангрен — Поп темир йўли йўналиши бўйлаб”. Қизиқишимиз ортди. Аммо осмондан тушдим, ердан чиқдим, “Sprak” машинаси шундоқ ёнимизда тўхтаб, сочларига оқ оралаган, олтимиш ёшлар чамасидаги басавлат одам тушди-да:

— Илтимос, халақит берманглр! — деди салмоқдор овозда. — Графикни бузиб юборасизлар. Соат 12:00 да бу киши Поп темир йўл вокзалида бўлиши керак. Ҳар бир фурсат ганимат! — Шундай дея пиёда кишига юзланди: — Поп томонга ўтиб кетмайсиз. Беш-олти километр юрганингиздан кейин Исковит деган қишлоқ келади. Шу қишлоқдан чапга қайрилган кўча тўғри вокзалга олиб чиқади.

— Ҳеч йўқса, танишиб олсақ бўларми-ди? — деди оғрингандек ҳамроҳларимиздан бири.

— Бу киши Абдуҷаббор ака Холбоев, спорт фахрийси, сайёҳ. Камина бу кишига ёрдамчи... Абдуллаазиз Ортиқбоев. Агар жуда қизиқиб қолган бўлсаларинг, мана менинг визиткам... Ишдан кейин бафуржа гаплашишимиз мумкин, — у шундай деди-ю, машинасига ўтириб, жўнаворди.

Сирдарё бўйидаги сўлим богда меҳмонларимиз суҳбатини олиб ўтирибмиз. Офтоб атрофни алвон рангга бўяб, уфққа бош кўямқода. Оромижон шаббода биром ёқилди. Суҳбатимиз эса ундан-да завқли.

— Бундан уч-тўрт йил аввал “Қамашавтошоҳбекати” бошлиқлигидан нафақага чиқдим, — дейди Абдуҷаббор ака. — Ишлаб юрган ҳам дурустмикан дейман... Болдирим симбиллаб оғрийдиган бўлиб қолди. Бунинг устига бир пайтлар ўтиб кетган бир дард қайтадан бош кўтариб қолди-ку! Худонинг берган

куни суҳби содиқда уйғонаман. Бировга айтгулик эмас... Ҳамма нарсани сезиб ётаман. Вужудим уйғонмайди. Тураман дейман-у туролмайман. Шолдек шифта-га термулиб ётавераман. Ярим соат-бир соатдан кейингина ўзимга келаман... Уч-рашмаган дўхтирим, қаратмаган табибим қолмади... Касаллик билан олишиб, ич-этимни еб юрган кунларимнинг бирида туш кўрдим. Бундан салкам олтимиш йил олдин бўлиб ўтган, эсимдан ҳам чиқиб кетган воқеа: отамнинг энаси, ҳамма Валий момо деб атайдиган Мингчин момо билан Лангар отага қараб кетяпмиз. Момонинг қўлидан маҳкам ушлаб олганман.

— Қачон етамиз, момо? — дейман.

— Оз қолди, тойчоғим, оз қолди. Қани, бўшашмай юрақол, — дейди момом.

Шу алфозда уйғониб кетдим. Анча вақт уйланиб ётдим. Охири “Момом мени сафарга ундапти, йўлга тушишим, Лангар отани зиёрат қилишим керак”, деган



қарорга келдим. Худди ўша, бундан эллик саккиз йил аввалгидек пойи-пиёда йўлга чиқдим. Фарқи, ёнимда момом йўқ, холос. Кўнглим ёруғ. Чарчаган жойимда дам олиб, чой ичиб, сув ичиб кетавердим. Саккиз соатга қолар-қолмай Лангар отага етиб бордим. Зиёратгоҳ пойидан отилиб чиқаётган булоқ сувидан тўйиб-тўйиб смирдим. Жоним кирди. Бир кеча ўша ерда тунаб, эртасига изимга қайтдим. Ўзимни кўшдек енгил ҳис қилдим, десангиз. Бўлар экан-ку! Рағбатим ошди. Мен туғилиб ўсган Қамаш туманидаги Бадахшон қишлоғидан Ҳазрати Башир зиёратгоҳигача 93 километр. Бу масофани бир кунга қолиб-қолмай босиб ўтдим. Кейин тўрт кеча-кундуз 247 километрлик йўл босиб, Бухорини шарифга бордим. Сўнгра Амир Темури фор, Термиз, Самарқанд — Имом Бухорий зиёратгоҳи... Юрган сарим ўзимни бардам-бақувват сезардим. Шу тарихга юрмосқ бўлиб қолдим-да-ей...

Ҳали эрталаб, бизни ҳе йўқ-бе йўқ “халақит берманглр” дея огоҳлантирган, гапи-сўзидан ўта расмиётчидек кўринган Абдуллаазиз ака дилкаш, суҳбатисоз, ўта самимий инсон чиқиб қолди. Абдуллаазиз Ортиқбоев — физика-математика фанлари доктори, профессор. Тошкент темир йўл муҳандислари институти домласи экан.

— Абдуҷаббор ака билан эски қардонга ўхшайсизлар? — саволга тутамиз устозни.

— Ўғиллари Илёсжон Холбоев бизда ўқиган, — дейди домла. — Илёсжонга бир гал “Отангизнинг саёхатчи эканлигини яхши биламан. Мен ҳам юришга ишчибозман. Навбатдаги саёхатга қачон чиқишларини билиб қолайлик” дегандим. Яқинда Илёсжон отаси “Ангрен — Поп” темир йўли йўналиши бўйлаб саёхатга отланаётганини айтиб қолди. Шу куйи Абдуҷабборга йўлдош бўлдим. Аммо... — Домла ўзининг ярмича келади-ган ҳамроҳига бирров кўз ташлаган куйи қолиб қўйди. — Яшириб нетай. Ангренгача зўрга чидадим. Иккала оёғим шишиб, бармоқларим бир-бирига ёпишиб қолди. Товон билан юрдим. Бўлмади. Ҳамроҳим



ни йўл бошида ташлаб кетгим келмади. Машинада юриб бўлса ҳам дўстимизга кўмаклашишга қарор қилдим. Йўлларни кузатиб, яна ортимга қайтаман. Қаерда тушлик қилишимиз, қаерда тунашимизни олдиндан аниқлайман... Сайёҳимизни ДАН ходимларими, бошқасими, билиб-билмай тўхтатгудек бўлса, орага тушаман.

— 1996 йил баҳориди буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз — Тошкент йўналишидаги супермарфрон бошланди, — дейди Абдуҷаббор ака. — Бу хушхабарни эшитгач, кўпкарини сезган улоқчи отдек типирчилаб қолдим. Бироқ сайёҳ сифатида ҳеч қаерда рўйхатда турмасам, ҳеч ким мени тақлиф қилмаган бўлса. Бўёғи қандоқ бўларкин? “Бор таваккал” дедим-да, Шаҳрисабзга бориб, анчайин йўл босиб қўйган супермарфрон қатнашчилари изидан йўлга тушдим. Энгимда спорт кийими, елкамда йўл сумка. Янгийўлда марфрончиларга етиб олдим. Пойтахтга — финалга яқинлашганда ҳаммадан ўзиб кетдим. Ва совриндорлар сафидан ўрин олдим. Ана шундан кейин мени республика спорт ташкилотлари фахрийлари кенгашига чақиритиб, “Ўзбекистон спорт фахрийси” деган гувоҳнома беришди.

Истиклол орзуларимизга қанот бўляпти. Бу йил Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 680 йиллиги нишонланди. Шу сана муносабати билан Абдуҷаббор Холбоев “680 йилликка 680 минг қадам” шиори остида ўз ташаббуси билан саёхатга чиқди.

— Нега энди айнан 680 минг қадам?

— Шунинг учунки, Амир Темури туғилиб ўсган Яққабол туманининг Хўжайилгор қишлоғидан пойтахтимиздаги Амир Темури хибобонигача бўлган 411 километрлик масофа ўртача юришда 680 минг қадамни ташкил этади. Мен шу масофани 25 март куйи йўлга чиқиб, 9 апрел куйи муваффақиятли якунладим ҳамда Амир Темури хибобониди бўлиб ўтган тантаналарда иштирок этиб, сўзга чиқдим.

Абдуҷаббор Холбоев энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида “Мустақиллик байрамга миллион қадам” деб номланган навбатдаги акциясини амалга оширдим.

— Бу саёхатимни мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги энг катта тарихий воқеа — “Ангрен — Поп” темир йўлининг ишга туширилишига бағишладим, — дейди сайёҳ дўстимиз. — Тошкентнинг шимолий темир йўл вокзалидан 29 июль куйи йўлга чиқиб, Анрен — Пунгон — Қўқон — Бағдод — Фаргона, Қува — Асака — Андижон — Балиқчи — Наманган шаҳарлари бўйлаб 593 километр йўл босиб, саёхатимни 13 август куйи Поп темир йўл вокзалда ниҳоясига етказдим.

— Таассуротлар қандай?

— Шу ўн опти кун ичида гўзал Фарго-

на водийсининг юзлаб шаҳар қишлоқларида ҳар хил ёш, турли касбдаги минглаб замондошларимиз билан суҳбатда бўлдим. Ростки, водий шаҳарларидаги беқийёс ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, одамлар чехрасидаги шукроналик, шодиеналикни қўриб, ҳайратим ошди. Фаргонанинг шундоқ катта йўл ёқасидаги қишлоқларидан бирида яшайдиган ёши тўқсонга борган нуруний онахон Муассар ая Мазруपालеванинг сўзлари ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглаб турибди. “Болажоним, — дейди кўзларига ёш олиб Муассар ая. — Замон-замон бўлиб бундайин тинч, фаровон ҳаёт тушимизга ҳам кирган эмас. Не кунларни кўрмадик. Қайси бирини айтиб, болам... Узоқ йили битта-ю битта қизим оғир дард билан Тошкентдаги касалхонада ётди. Дарди оғир экан шўрликнинг. Жон талвасасида “Онамни бир кўрсам эди” депти. Бу гап етиб келгач, бир жойда ўтиролмай қолдим. Қариндошимизнинг алмисоқдан қолган машинасида “Тошкент қайда-сан?” деб йўлга тушдик. Икки ҳаёлим боламда.

Довонга етганда машинаимизни тўхтатишди. “Бўёғига мумкин эмас, йўл берк, қор кўчган” дейишди. Уч кечаю кундуз шундоқ йўл устида қолиб кетдик. Бу уч кун уч юз йилдек туюлиб кетди. Ўзимни ўн ёшга қаридимов... Туну кун ҳаёлим Тошкентда, “боламнинг аҳоли қандай экан?”, деб ўйлайман десангиз... Ниҳоят, тўртинчи кун деганда йўл очилди. Ошиқиб етиб борсак, қизимнинг жони узилган экан... Кўзи очиб қолибди шўрликнинг. Телевизорда тоғлар оша ўтган янги темир йўлни кўрсатишганда ана ўша воқеани эслаб йилгаддим. Шундай улуг ишнинг тепасида турган муҳтарам Президентимизни дуо қилдим. Бахтимизга соғ-саломат бўлсин, дунё тургунча турсин, деб яратгандан сўрадим...

— Дарвоқе, касалликлардан буткул фориғ бўлиб кетдингизми, ишқилиб? — сўраймиз гап орасида қаҳрамонимиздан.

— Нимасини айтасиз! Ўзимни худди мустақиллик тенгдоши — 25 яшар навқирон йигитдек ҳис қиляпман. Ҳар гал саёхатим якунида Ёзувчилар уюшмаси қошидаги поликлиникада тиббий кўрикдан ўтказишади. Шифокорлар мени бодон текшириб, ҳар-хил аппаратларга солиб қўриб, кўз тегмасин, ҳавас қиладиган даражада соғломсиз, дейишади.

Эрталаб меҳмонларни кузатарканмиз, “Энди йўл бўлсин?” дея сўрадик. — Саёхатимиз Поп темир йўл вокзалида ниҳоясига етди, — дейди Абдуҷаббор ака. — Меҳмондўст, меҳмоннавоз водийликларга раҳмат! Қизгин учрашувлар, дилдан суҳбатлар бўлди. Кайфиятимиз байрамона. Энди Тошкент сари олга! Насиб бўлса, Мустақиллик шодиеналигини жонажон пойтахтимизда нишонлаймиз.

Али ЗИЁД,
журналист



БОР БЎЛСИН, ОҚИБАТ!

Етмишда ҳам елганлар

✓ Марғилон қадимдан уста хунармандлар шаҳри. Бу ерда ўз касбини севган фидойи инсонлар кўп. Баҳодирхон Тиллаҳўжаев ҳам эллик йилдан буён сартарошлик қилиб, эл қорига яраб келмоқда.

— Отам моҳир касиб бўлган, — дейди Баҳодирхон ота, — тўққан атлас, адраслари жуда харидорғир эди. Падари бузуқворимнинг ёнида юриб, тўқувчиликни ўргансам-да, сартарошликка кўпроқ қизиқдим. Чунки хузурига келган кишининг кўнгли яйраб чиқиб кетадиган бу соҳа эгаларига кўпроқ ҳавасим келарди. Ниҳоят шахримиздаги моҳир сартарош, раҳматли Маҳмуджон Боқиевга шогирд тушиб, касб сирларини ўргандим. Шукрки, ёшлигимдан элнинг қорига ярашнинг чин дилдан истаганим учун бўлса керак, кексайсам-да ишимда чарқок сезмайман. Касбингни севиб, одамларга фойданг тегаётганини ҳис этсанг, шунинг ўзи энг катта бахт.

Дарҳақиқат, Баҳодирхон ота табаруқ 70 ёшни қаршиласада, ҳар куйи эл хизматида. Яна бир гап. Бу одамнинг энг қимматли ҳамроҳи ёндафтарчаси ҳисобланади. Нафақат ёндафтарча, устанинг иш режаси ҳам у. Кекса сартарош узоқ-яқиндаги бемор, кекса отахонларнинг номи, уй манзили ёзилган ушбу дафтарчасини вақти-вақти билан варақлаб туради-да, мавриди келди

деб ўйлагани заҳоти керакли мижози хузурига югуради. Ёгин-сочин, иссиқ-совуқ кунларнинг у кишига аҳамияти йўқ, албатта, ўша мижози хузурига бориб, аввал обдон хол-аҳвол сўрайди, сўнгра қайчи ва устарасини олиб, соч-соқолни тарошлагча тушади.

— Соч-соқолнинг ўсиши одамни 3-5 ёшга кексайтиради, тарошласак нақ йигитга айланасиз, кампирингиз гидрикапалак бўлиб қолади, — дейди ота ҳар гал мижозининг кўксига олдтўтқичини илаётиб ҳазиломуз оҳангда. — Махалла-қуй, қўни-қўшни олдида ҳам уялиб қолмайсиз, меҳмондорчиликда давранинг тўри сизники бўлади. Аксинча, юз-бошга эътибор бермасак, эътибордан четда қоламиз.

Баҳодирхон отанинг ёндафтарчасида II гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси Музаффар ота Аҳмедов, 90 ёшли Мухторжон ота Очилов, 88 ёшли Аҳмаджон ота Ҳасанов, II гуруҳ ногирони Зухриддин Таштемиров каби йигирмадан зиёд нуруний ва беморларнинг исми шарифи қайд этилган. Уларнинг барчаси устандан мамнун.

Ҳа, меҳр-муруват инсонни улуглайди. Устанинг касбини давом эттириб келаётган фарзанди Саид Умархон ўзи яшаб келаётган “Гураввал” маҳалласида сартарошхона очиб, фаолият юритмоқда. Шунингдек, Олимжон Тешабоев, Комилжон Қозоқов, Мухаммаджон Азизов каби савобли касбини ихтиёр этган ўнлаб шогирдлар ҳам эл хизматида.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

✓ Самарқанд туманида фаолият юритаётган “Amir-ul-Baxr VMG” МЧЖда нафақат одатий, балки махсус пойабзаллар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Хорижда ҳам харидорғир

— Махсус оёқ кийимлари тоғ-кон металлургия комбинати ишчилари, ҳарбий, спортчи, тиббиёт вакили каби турли соҳа эгалари учун мўлжалланган, — дейди қорхона директори ўринбосари Салоҳиддин Фазлиев. — Масалан, “Эверест” деб номланган этикнинг тағчарми 150 градус иссиқ ва 90 градус совуққа бардош беради. Унинг ички қисмига айнан шундай мақсадлар учун парвариланадиган қўйлар жун ишлатилган, ҳар қандай шариотда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Шунингдек, шифокорлар тавсиясига қўра айрим касалликларни даволашда қўл келадиган оёқ кийимлари ҳам ишлаб чиқаряпмиз.

Қорхонада тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорғир. Улар “Ташаббус — 2016” кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичида ҳам мутахассислар эътиборини қозонди. Танловнинг “Энг яхши тадбиркор” йўналишида Самарқанд туман босқичида биринчи ўринга лойиқ топилган бўлса, вилоятда иккинчи ўринга муносиб кўрилди.

Ўз мухбиримиз

Фермер аёллар ибрати

Китоб туманида О‘zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан “Фермер аёллар” лойиҳаси доирасида ташкил этилган “Тадбиркорлик ва фермерлик ривожини — фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этишнинг муҳим шартини” мавзусидаги амалий семинар иштирокчилари партия фаоли бўлган илғор фермер хўжаликлар раҳбарлари фаолияти билан яқиндан танишишди.

— Ўтган йилларда партия лойиҳаларида иштирок этиб, бир неча бор банклардан имтиёзли кредит олдим, — дейди тумандаги “Тураева Муҳаддас узумзори” фермер хўжалиги раҳбари Дилрабо Мадиева. — Интенсив боғ, балиқхона ташкил этиб, 10 нафар ёшни ёнимга ишга ол-

дим. Келгусида минитехнология асосида мевани қайта ишлаб, турли хил шербат тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидаман.

Айтиш жоизки, бугун Қашқадарё вилоятида 21 минг 780 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, шундан 450 тасига аёллар раҳбарлик қилмоқда. Тадбирда имтиёзли кредит олиш тартиби, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликлар сонини кўпайтириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI as” мухбири

Сафлар кенгаймоқда

О‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими томонидан “Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага” лойиҳасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи доирасида “Мустақилликка менинг ҳиссам” шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди. О‘zLiDeP фаоллари, ҳамкор ташкилот вакиллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбирда хотин-қизларда ишбилармонлик кўникмасини шакллантириш, соҳага доир қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини кенг омма ўртасида тарғиб этиш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Ўтган йили ушбу лойиҳа доирасида 17 нафар хотин-қизга 435 миллион сўм миқдорда маблағ


ажратилди. Жорий йилда шаҳар ва туманлардан қилиб бўлган 40 нафардан зиёд ола-сингилларимиз ўз бизнес режаси билан иштирок этаётди.

— Тўқимачилик йўналишида “Асакабан” туман филиалидан 40 миллион сўм имтиёзли кредит олиб иш бошладим, — дейди Эллиқалъа тумани “Гулдирсин Нафосат” хусусий қорхонаси раҳбари Манзура Джуматовна. — Келгусида қорхонамиз фаолият қўламичи янада кенгайтириб, экспортбо маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Тадбир давомида фермер ва тадбиркорлар, партия фаолларига эсдалик савғаси топширилди.

О‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши
Матбуот хизмати

РЕКЛАМА



**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ
“САВДОГАР” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ
ЖАМОАСИ**

**Серқуёш юртимиз аҳлини ва соҳа
ходимларини энг улуг, энг азиз
айём – Мустақилликнинг 25 йиллиги
билан табриклаб, эрк ва озодлик
нуридан мунаввар қалбларга
меҳр-саховат ҳамиша ёр бўлишини
тилайди.**

**Юксалиш ва тараққиёт йўлидаги эзгу
мақсадларингиз ижобат бўлсин!**



Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ҲУНИДА



“АСАКА” БАНК

Марказда маърифий тадбир

Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан жойларда турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Уларда халқ хўжалигининг барча соҳаларида эришилган улкан муваффақиятлар мамнуният билан эътироф этилиб, яқин истиқболга мўлжалланган режалар белгилаб олинаётир.

Жумладан, “Асака банк”нинг ўқув маркази томонидан ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, таниқли ижодкорлар, ОАВ ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашишди. Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида барча жабҳада бўлгани каби банк-молия тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Бу эса аини пайтда ўзининг юксак ижобий самараларини бермоқда.

Натижада банкларнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, аҳолининг уларга бўлган ишончи ошиб бораётир.

– Биз маънавияти юксак миллатмиз, – дейди байрам тадбирида сўзга чиққан юридик фанлари доктори, профессор Феруза Муҳиддинова. – Халқимизнинг бой ўтмиши бу ҳақиқатни исботлайди. Айниқса, истиқлол шарофати туфайли миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бинобарин, юрт равнақи, келажак манфатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримиз учун муқаддас бурч саналади.


Тадбир якунида пойтахтимиздаги “Марварид” болалар рақс гуруҳи иштирокида намоиш этилган концерт дастури тўпланганларга байрамона кайфият улашди.

**Мусурмон РЎЗИЕВ,
“XXI asr” муҳбири**



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

“МУБОРАКНЕФТГАЗ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



Хизматлар лицензияланган

Истиқлол куёши нурларига йўғрилган юртимиз фуқароларини қутлуғ айём Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Ҳар бир хонадонда тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ҳукм суришини, жаннатмонанд ўлкамизнинг бугунги осуда ҳаётига кўз тегмаслигини тилайди.

РЕКЛАМА

**"ТОШКЕНТИККИЛАМЧИҚОРАМЕТАЛЛ"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

*Азиз ватандошлар!
Қадриятлари тикланиб, ўзлигини
дунёга баралла намоён этаётган
жонажон Ўзбекистонимизнинг
обрў-эътибори янада ортиб, салоҳияти
йилдан-йилга юксалаверсин!*

*Ушбу шодмон кунларда дилингиздаги барча
эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!*






ҚАШҚАДАРЁ:

Обод ва фаровон воҳа

✓ Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган муқаддас гўша, серкўёш, маъданга кон замин, одамлари мард ва танги Қашқадарё воҳаси истиқлол йилларида янгича қиёфа касб этди. Бугун вилоятга келсангиз, улуғвор ўзгаришлар, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўласиз. Қад ростлаётган касб-хунар коллежлари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, спорт комплекслари...



ровонлиги ортди, онгу тафаккури янгиланди, дахлдорлик ҳисси кўчаиди, — дейди O'zLiDeP фаоли, "Аралова Моҳинур" хусусий корхона раҳбари Нодира Бойназарова. — Илгари бизнинг қишлоғимизда бирорта ҳам ишлаб чиқариш корхонаси йўқ эди. Фарзандларимиз улғайса, нима иш билан шуғулланар экан, деган ўйда яшар эдик. Истиқлол туфайли орзуларимиз амалга ошди. Президентимиз ташаббуси билан Деҳқонobod кайлийи ўғитлар заводи бунёд этилди. Ўғлим Мансур Тошкент ахборот технологиялари институтини битириб, заводда бўлим бошлиғи бўлиб ишлапти. Истиқлол мўъжизасини кўрмоқчи бўлсангиз, бизнинг Бешбулоққа келинг! Завод ишга тушгач, ўғлим каби минглаб ёшлар ишли бўлишди.

Вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилиб, ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиб, жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайиши учун гамхўрлик йил сайин кучайтирилмоқда. 2003-2015 йилларда вилоятда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 190 та замонавий спорт мажмуаси, 19 та болалар мусика ва санъат мактаби, жами 209 та спорт иншооти қурилди, капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Спорт мажмуалари ва залларининг 96,1 фоизи қишлоқ жойларида барпо этилганлиги ҳам воҳанинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган болаларнинг спорт тўғрисидаги жалб этишга асосий эътибор қаратилганидан далolat беради. Бугун 3 минг 900 дан зиёд спорт иншоотида 134 мингга яқин ёшлар спортнинг барча тури билан мунгазам шуғулланмоқда.

2009 йил 100 та намунавий лойиҳа асосида уй қурилган бўлса, 2015 йил бу кўрсаткич 1 минг 320 тани ташкил этди. Жорий йилда вилоятнинг 13 туманидаги 38 массивда 1526 та уй-жой қурилиши давом этапти. 2009-2015 йиллар мобайнида 6 мингдан зиёд оила замонавий ва миллий архитектура уйғунлигини ўзида мужассам этган янги уй-жойга кўчиб кирди.

Бугунги кунда вилоятда 18 минг 411 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Китоб туманидаги "Севаз Андроникс" маъсуляти чекланган жамияти раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Алишер Бойқораев Австриянинг "Бухер" инжиниринг компаниясининг бир кеча-кундузда 10 тонна олмини қайта ишлайдиган технологиясини олиб келиб ўрнатди. Дастлаб ўзи яшаётган қишлоқдаги 50 нафар ёш иш билан таъминлади. Бугунги кунда жамиятда ишловчилар сони 400 нафардан ошиб кетди.

Тадбиркор замонавий ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш мақсадида хориж мамлакатларида бўлиб, тажриба ўрганиб қайтди. Шундан сўнг помидор, олча, ўрик ва бошқа мевалардан шарбат олишни йўлга қўйди. Корхона қрошида Жанубий Корея ва Хитой ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган технология асосида мойли ўсимликлардан бир кеча-кундузда 1,5 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган цех фаолият кўрсатмоқда. Маринадланган қарам, бодринг, помидор маҳсулотлари, томат пастаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Мухтасар айтганда, мустақиллигимизнинг чорак асрини меҳнатда улкан ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олаётган қашқадарёликларнинг дили ва тилида битта шир: "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Мамлакатимиз раҳбарининг "Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, шаҳар ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгаймоқда. Шаҳарнинг Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчаларини кенгайтириш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тугалланаётган. Янги 122 та кўп қаватли уй бунёд этилмоқда. Шундан 32 таси ўз эгаларига топширилди. 90 тасида қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилапти.

Ўтган йили Президентимиз воҳамизга ташриф буюрганида Қашқадарё дарёси устида қад ростлаган Амир Темур кўприги ва унинг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида зарур кўрсатма ва тавсиялар берган эди. Соҳибқирон бобомиз номи билан аталувчи, бир пайтлар Қашқадарёнинг икки қирғоғини бирлаштириб, халқаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларга воситачи бўлган бу кўна маскан қисқа фурсатда миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда мукамал таъмирланди. Дарё сувининг тўлиб оқишини таъминлаш учун 3 та сунъий тўғон қурилди. Соҳилнинг икки томони воҳа аҳли ва хорижий меҳмонларнинг сайр қилиб, маданий ҳордиқ чиқариши учун обод ва сўлим масканга айлантирилди. 4 мингдан ортиқ турли хил манзарали дархат ва буталар экилди. Соҳил бўйлаб саёҳат қилувчилар учун 51 та катамаран, 2 та кема олиб келиниб, 4 та кема тўхташ жойи бунёд этилди. Ушбу масканда 14 та коттеж, 4 та кафе, 4 та сунъий қопламали ўйингоҳ, 1 та болалар майдончаси ишлаб турибди. Бугун Қашқадарё соҳилини, Амир Темур кўпригини томоша қилиш учун мамлакатимизнинг турли бурчақларидан, хориждан меҳмонлар ташриф буюришапти. Мингдан ортиқ ёритиш ускунаси ва аттракционлар ушбу масканга туну кун ўзгача зеб ва чирой бағишламоқда.

— Илгари оила аъзоларимиз билан ёзнинг саратонда салқинлаб келиш ва дам олиш учун Шаҳрисабз ёки Китобнинг тоғолди гўшаларига борар эдик, — дейди Шайхали шаҳарчасида яшовчи Асад Раҳимов. — Йўл узоклиги учун бир неча кун чарчоғимиз чикмасдан қийналардик. Энди-чи, шундоқ шаҳарчамиз ёнгинасида бу сайилгоҳнинг барпо этилиши истиқлол байрами арафасида биз учун ажоиб туҳфа бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги "Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори асосида Шаҳрисабзни Марказий Осиёдаги энг йирик музей шаҳарга айлантириш мақсадида қурилиш ишлари олиб борилапти. Шаҳрисабзда 15 та маданий туризм, 30 та маданий мерос, 30 та тарихий маданий мерос объекти бор. Бундан ташқари тоғолди гўшаларида кўнгилочар масканлар ва экосона йўналишлари бўйича сайёҳлар учун қатновлар йўлга қўйилган. Оқсарой мажмуасини Дорул-тиловат ва

Дорус-саодат мажмуалари билан бирлаштирувчи аллея ва ҳибон қурилиши ҳадемай поёнига етади. 16 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. 34 тасида қурилиш ишлари давом этапти. Аллеядаги 31 минг тулдан ортиқ ноёб дархат кўчати ва 60 турдан ортиқ бута дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилди. Шаҳрисабз шаҳри истиқлол туфайли бутунлай ўзгача қиёфа касб этиб, ҳақиқий яшил шаҳарга айланди.

223 километрик Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўл линияси истиқлол шарофати ила юртдошларимизга туҳфа этилган аср мўъжизаси — мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўзига хос аҳамият касб этадиган улкан иншоот. Бу йўллар нафақат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришга, балки транспорт-коммуникациявий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур темир йўл ишга туширилганига қадар Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларини боғловчи темир йўл қўшни давлат ҳудудидан ўтарди. Бу ўзига хос қийинчиликларни юзга келтирар, ортиқча маблағ сарфланишига олиб келар эди. Ўзбек темирйўлчилари бугун дунёни ҳайратга солиб, баланд тоғ узра пўлат излар тортиб, бу муаммони ҳал этишди.

"Тошкент — Термиз" поездининг Тошгузар, Бойсун ва Қумқўрган бекатлари орқали ҳаракатланиши аввалгига нисбатан орадаги масофани 170 километрга, йўлга сарфланган вақтни 7 соатга қисқартирди. Мазкур темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан минглаб янги иш яратилди. Президентимизнинг "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида "Тошкент — Қарши — Тошкент" йўналиши бўйича "Афросиёб" поездининг қатнови йўлга қўйилди. Эндиликда воҳа аҳли 3 соату 10 дақиқа мобайнида Тошкент шаҳрига етиб боришга муваффақ бўляпти.

— Мустақиллик йилларида нафақат воҳанинг шаҳару қишлоқлари қиёфаси гўзаллашди, балки юртдошларимизнинг турмуш фа-



РЕКЛАМА ЎРНИДА

✓ Яқинда хизмат сафари билан Самарқандга йўл олдик. Кенг ва ра- вон йўлларни ортда қолдириб, вилоят ҳудудига кирар эканмиз, азим пойтахтимиздагидан қолишмайдиган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлиб бошимиз осмонга етди. Рангли фавворалар, салобатли касб-хунар коллежлари, айниқса, йўлнинг икки четиде қатона расига қурилган замонавий намунали уй-жойлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Сармоялар келажакка хизмат қилади

Дарҳақиқат, юртдошларимизнинг яшаш тарзи тубдан ўзгариб, кундан-кунга яхшиланиб, фаровонлашиб бормоқда. Айниқса, "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ва унинг жойлардаги филиаллари фаолияти ана шундай гўзал гўшаларда умргузаронлик қилишимизга туртки бўлмоқда.

Шу маънода банкнинг Самарқанд минтақавий филиалида пул-кредит муносабатларини йўлга қўйиш, миқозларга замонавий талаб асосида хизмат кўрсатиш, ҳисоб-китоб ишларини ташкил этиш борасида амалий ишлар изчил йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлашни истардик. Айниқса, намунавий лойиҳаларга асосланган яқна тартибдаги уй-жойлар қурилишини ўз вақтида молиялаштириш банкнинг асосий вазифаларидандир. Масалан, 2009-2015 йилларда вилоятнинг янги қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳа асосида жами 5 минг 717 та уй-жой барпо этилди.

"Қишлоқ қурилиш банк"нинг минтақавий ва туман филиаллари томонидан 4 минг 719 та уй-жой қурилиши молиялаштириш учун 539 миллиард 500 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Шунинг 232 миллиард 900 миллион сўми бевосита аҳоли ва банк сармоялари, 307 миллиард сўми эса имтиёзли ипотека кредитларидир.

Президентимизнинг "2016 йил учун турар-жой маззеларини қуриш ва қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича яқна тартибдаги турар жойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоятнинг 36 та массивида яқна тартибдаги 1 минг 327 та, жумладан, банкнинг минтақавий филиаллари томонидан 103 та уй-жой қурилишини молиялаштириш режалаштирилди. Ҳозиргача аҳоли сармоялари ҳисобидан 66 миллиард 636 миллион 500 минг сўм, имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобидан 127 миллиард 944 миллион 500 минг сўм, жами 194 миллиард 581 миллион сўм маблағ "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг Самарқанд вилояти филиали махсус ҳисобрақамларига ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши натижасида аҳоли бандлиги таъминланиб, ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатлари кузатилаётган. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида бундай субъектларга "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки вилоят минтақавий ва туман филиаллари томонидан 8 миллиард 35 миллион 300 минг сўм миқдорда сармоя йўналтирилган бўлса, жо-

рий йилнинг ушбу даврида кредит қўйилмалари 438 миллиард 939 миллион 500 минг сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ва "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш ниятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига дастлаб 6 миллиард 519 миллион 600 минг сўм, кейинчалик 12 миллиард 669 миллион 400 минг сўм миқдорда кредит сармоялари йўналтирилди.

Ёшларнинг келажакимиз ворислари эканлиги ҳақида фаҳрга тўлиб гапирамиз. Бинобарин, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касб-хунар эгаллаши учун гамхўрлик кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Банкнинг минтақавий ва туман филиаллари ушбу хайрли ишга ҳам ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилганлиги эътиборга молик. Ушбу йилнинг етти ойи мобайнида касб-хунар коллежи битирувчиларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 1 миллиард 188 миллион сўм ҳажмда кредит ажратилган ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Вилоятда ёш оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, улар учун қўшимча молиявий имтиёз ва преференциялар берилмоқда. Вилоят ҳудудиде "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига қарашли 3 та кўп қаватли уйни барпо этиш "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки зиммасига юклатилган эди. Бунинг учун филиал миқозлари бўлган пудрат корхоналарига 12 миллиард 900 миллион сўм кредит маблағи ажратилиши натижасида "Қамолот" уйлари белгиланган муддатда қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Иштихон, Жомбой, Пастдаргом туманларида барпо этилган бундай уйлар барча замонавий қўлайликларга эга. Ҳозирги кунда 48 хонадонли янги турар-жой қуриш ишлари ҳам давом этмоқда. Уларнинг бўлажак соҳиблари — ёш оилаларга 3 миллиард 7 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилди.

Мухтасар айтганда, банк ўз хизматлари билан қишлоқ аҳолиси қалбига тобора кириб бормоқда. Ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик ютуқ ва келгуси режаларга қанот бағишлайтир.

Носир ТОШЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган

UzLeasing International AO

Мухтасарам портдошлар!
Барчангизнинг мамлакатимиз тарихидан
шодон сана — Мустақилликнинг 25 йиллиги
билан самимий муборакбод этамиз.

Mustaqillik bayramingiz
muborak bo'lsin!


Ушбу саодатли кунларда хопадонингизга

тинчлик-омонлик,

дастурхонингизга қут-баракат тинлаймиз.

Ваган равнақни, эл ободини йўлдангизни зату ва
хайрли ишларингиз бароридан келайверсин!

ИФТИХОР



Леонид ЛЕВИТИН,
иқтисод фанлари доктори, профессор:

...Тошкентнинг марказий майдонига ўрнатилган салобатли глобус кўкка интилади. Унда Ўзбекистон жўроғий харитаси бир неча баравар катталаштирилган ҳолда тасвирланган. Мен нисбатларнинг бундай бузилишини рассомнинг муболагаси деб тушунган эдим. Ҳайратангича, хато қилган эканман. Чунки, муайян давлатнинг ҳақиқий ўлчамларини жўроғий эмас, балки унинг тарихий ўрнига, бу мамлакат жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссага қараб белгилаш тўғрисида ўхшайди. Агар шундай қилинса, глобусдаги Ўзбекистон – муболага эмас, асло.

Ўртасидаги оқ ранг тинчлик ва поклик тимсолидир. Ҳаво ранг – зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзи. Яшил ранг – табиатнинг тимсоли, гуркираб яшнаётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг, қизил йўллар ҳар бир тирик жон қон томирида уриб турган ҳаётнинг кучини, ҳаётнинг ернинг рамзидир.

...Дунёдаги айрим байроқлар – фақат шонли ўтмиш рамзи, холос. Ўзбекистон байроғи – буюк келажак рам-

зи ҳамдир. У фақат ота-боболар байроғи эмас, балки яна ҳам кўпроқ даражада – болалар байроғидир. Болалар байроғи бўлганда ҳам ҳамма болаларнинг – ҳали туғилмаган келгуси наслининг ҳам байроғидир. У келажакдаги яхши кунларнинг даракчиси. Йиллар ўтади, шунда ўзбекларнинг янги авлодлари Мустақиллик кунинида Ўзбекистоннинг ҳиллираб турган байроғига фахрлилик боқар экан, баъзан кўзларига қалқиб чиққан севинч ёшларини яширмайди.

2001 йил



Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ,
шoir:

– Тошкент – шунчаки оддий бир шаҳар эмас. Мен учун беҳад табаррук ва тасаввур қилиб бўлмас даражада қадрли ва азиз бўлиб қолган бу шаҳарни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай дунёвий ўзгаришлар юрагимдан суғуриб ташлолмайди...

Шу сабабли, қисматнинг бир бўлагига айланиб қолган бу шаҳардан бўладиган ҳар бир телефон кўнгириги менга олам-олам қувонч бахш этади.

Бизга ўзимизни, ўзлимизни топишда ёрдам берган Тошкентга таъзим ва ташаккурларим бўлсин!

(Андрей Вознесенскийнинг юртимизга, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм сингаи шаҳарларимизга меҳру муҳаббати бўлача эди. Узи табиатан ҳам, маълумоти-билими жиҳатидан ҳам меъмор бўлган шoir, қадимий кентларимизни Шарқ ва башарият тамаддунига буюк ва мангу обидалари деб биларди.

Оддий дастхатида ҳам, мисол учун, Тошкентга келётган режиссёр дўстига китобини ҳадя этаркан, "От имени всех узбеков желаю Вам успехов!" деб "ўзбек" сўзига тоқирлик билан омад, муваффақиятни қофия қилгани, шу оддийгина тилакда ҳам катта ҳурмат, кўнгли кенглигини изҳор қила олганига тан бермасдан иложингиз бўйи

Ўзбекистон халқ шoirи
Сирожиiddин САЙИД хотираларидан



“Орзу лайнери: Парвоз баланд, манзил яқин



Айни кунларда мустақиллигимизнинг чорак асрлик қутлуг тўйи шуқуҳни халқимизнинг миннатдорлик балқан кўзлари, мамнун чехраларида кўрасиз. Мусаффо осмонимизда оппоқ булутлар янаям кўрк очиб, айёмимизга монандлик касб этмоқда.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг янги ютуғи – Boeing 787-8 Dreamliner янги авлод самолёти парвозини аэропорт қўниш майдонига фазога боқиб интиқ кутарканмиз, ана шундай фарахбахш ўйлар кўнглини чоғ этади. Бу шундай сезимки, уни фақат юксак фахр туйғуси танингизни забт этгандагина ҳис қиласиз.

Истиқлолимизнинг 25 йиллиги шодиёнасида “Орзу лайнери” дея эътироф этилаётган бу улкан “пўлат қўш”нинг қабул қилиниши республикамизнинг стратегик тармоқларидан бири бўлган Ўзбекистон фуқаро авиациясининг шиддат билан тараққий этаётгани исботидир. Замонавий янги лайнер Сизэтдан Тошкентгача ярим суткага яқин узлуксиз парвозни муваффақиятли адо этди. Самолётни Ўзбеки-

тон Миллий авиакомпаниясининг экипажи: учувчи-йўриқчи Иосиф Зак, янги Boeing 787-8 учувчилар отряди командири Асаджон Турсунов ҳамда бош штурман Станислав Гурфинкель бошқарди. Ҳаво лайнери муқаддас заминимизга кўнаркан, тadbирда ҳозир бўлганлар гулдурас қарсақ ва қийқириқлар ила уларни олқишлашди.

“Тошкент” халқаро аэропортида Boeing 787-8 Dreamliner самолёти тақдиротига бағишланган тантанали маросимда Бош вазир ўринбосари У. Розуқулов, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тянь, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Памела Спратлен, хорижий ва юртимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Энг замонавий, узок масофага учувчи Boeing-787 га яқинлашар эканмиз, унинг илгор технологиялар асосида яратилганига гувоҳ бўламиз. Маълумот ўрнида айтиш керак, “Орзу лайнери” юқори иқтисодий самарадорлиги баробарида манзилга қисқа муддатда етказилади. Дейлик, Москвага йўл олар бўлсангиз, Boeing-767 самолётига

нисбатан 10 дақиқа, Лондон ва Парижга эса 20-30 дақиқа вақт ютасиз. Учиш масофасининг узайтирилгани ушбу ҳаво кемасини узок ва ўта узок халқаро йўналишларда эксплуатация қилишга ҳамда дунёнинг энг чекка нуқталарига узлуксиз парвозни амалга оширишга имкон яратди. Дримлайнер ички диаметри Boeing-767 салони-га қараганда 1 метрга кенгайтирилган бўлиб 246 йўловчи ўрнига эга. Эндиликда Boeing 787-8 Ўзбекистон аэропортларидан АҚШ ва Канада, Осиё, Африка ҳамда Австралиянинг исталган аэропортларига парвозни амалга оширади.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ва “Boeing” корпорацияси 1996 йилда ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, ўтган 20 йил мобайнида авиакомпания авиопарки янги Боинглар билан бойиди. Ўзбекистон фуқаро авиацияси жаҳон авиасаноати майдонига хавфсиз, ишончли ва барқарор авиаташувчи мақомини барқарор сақлаб келиши эса ўзаро ҳамкорликнинг самараси, албатта.

Аслиддин АЛМАРДАНОВ
“XXI as” мухбири

ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ “МИЛЛИЙ БАНКИ”
ҲУЗУРИДАГИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ
Қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоаси

барча юртдошларимизни Мустақилликнинг
қутлуг 25 йиллик айёми билан
муборакбод этади!

Эзгу мақсадларни дилига жо этиб,
она Ватан равнақи ва фаровонлиги йўлида
ҳормай-толмай меҳнат қилаётган
бунёдкор халқимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин.
Истиқлол шарофати билан ўз эрк ва ҳуқуқини
қўлга киритган азми қатъий, шижоатли
тадбиркорларнинг ишларига янпидан-янпи
муваффақият тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган.

ҚУТЛОВ

“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” AJ

Барча юртдошларимизни мустақил Ўзбекистонимизнинг 25 йиллик шодиёнаси билан самимий қутлайди! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

KAFOLAT
“KAFOLAT SUG'URTA KOMPANIYASI” AJ

СУГУРТА ХИЗМАТЛАРИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ!

100017, Тошкент ш. Мустақиллик майдони, 5.
Тел.: 239-48-86, 239-48-81. Факс: 239-46-40
www.kafolat.uz

Хизматлар лицензияланган.



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИНОСИЙ ГАЗЕТА
HAFTALIK NASHR

Бош мухarrир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Солижон ТУРДИЕВ	Қувондиқ САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Туқайн ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Аҳам ШОДМОНОВ
Абдулмоъиз КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Иқбол МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрир хайъати:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.
электрон почта:
xxi_ast@umail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

“XXI as” иқтисодий-синосий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарк” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 6 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 966 Тираж: 8290
Баҳоси келишилган нархда. Топшириқди – 22:00

Тахрир хайъати келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI as” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрир хайъати назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрир хайъати жавобгар эмас.

Газета тахрир хайъати компьютер марказида термиди ҳамда дизайнёр
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-447X



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Нашр хайъати мухarrирлари:
А. МУҲАММАДОВ, С. ЗОИРОВ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

Бунёдкорлик ва тараққиёт сари

Самарқанд азал-азалдан дунё тамаддуни ривожига ҳисса қўшган муборак гўша. Истибод йилларида бу азим маконнинг қалб ойнаси бир қадар хиралашган, яъни асрлар оша етиб келган тарихий обида, табаррук қадамжолар топталган эди.

Мустақиллигимизнинг илк давридаёқ Президентимиз ташаббуси билан ҳалқимизнинг бебаҳо маданий бойликларини ўз бағрида авайлаб-асраб келаётган муқаддас манзил янгича қиёфада қайта тикланди. Регистон мажмуаси, Кўксарой майдони, Амир Темури мақбараси, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Ҳазрати Дониёр зиёратгоҳи, Мирзо Улугбек расадхонаси, Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида Самарқанд энг сўлим, хушхаво масканга айланди.

Истиқлолимизнинг 25 йиллик тантаналарига тайёргарлик кечаётган шу кунларда бу ерда ҳам бунёдкорлик ишлари қизиган давом этмоқда. Хусусан, 4 километр 800 метр узунликдаги Утдан-қий кўчасида илгариги лойдан қурилган пастанга ҳовиллар ўрнида кўп қаватли замонавий турар жойлар қурилиб, атрофи майсазор ва гулзорга айлантирилмоқда, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Уткир Абдуллаев. — Шунингдек, яқин кунларда 1 минг 200 та манзарали дарахт экилади, бекат ва автомобиль сақлаш жойи, 12 та кўп қаватли турар жой биноси, иккита тиббий диагностика маркази, иккита автосалон ва учта фаввора қурилиб фойдаланишга топширилди.

Кенглиги 20 метр бўлган бу кўча замона талаблари асосида таъмирланган, 40 метрга кенгайди. Харажат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл темир панжара билан ажратилиб, икки томонлама қатновга эга бўлади. Бундай бунёдкорлик ишлари шаҳарнинг Фирдавсий, Орзу Маҳмудов, Лутфий, Буюк Ипақ йўли каби кўчаларида ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Университет, Амир Темури хибонлари, Шоирлар боғи, Кўксарой майдони, Регистон ва Даҳбед кўчалари чорраҳаси, Темирийўл вокзали майдонида мусиқали ва нури фавворалар бунёд этилди. Айни пайтда Самарқанд вилоятининг туман ва шаҳарларида жами 58 та фаввора бўлиб, улардан 12 таси ранглилиги эканлиги билан ажралиб туради.

Бундай яратувчанлик, ободонлаштириш ишлари, нафақат шаҳар марказида, балки барча туман ва қишлоқларда ҳам изчил давом этмоқда. Агар 2009 йили Жомбой, Пастдаргом ва Пахтачи туманларининг ҳар бирида намунавий лойиҳалар асосида 20 тадан, жами 60 та уй бунёд этилган бўлса, жорий йилда 1 минг 327 та шундай турар жой қурилиб, эгаларига топширилмоқда.

Мустақиллигимизнинг чорак асрлик қўлтуғ тўйи нишонланаётган шу кунларда қувончимиз чексиз, — дейди Гулноза Амирова. — Чунки, бизнинг оиламиз ҳам намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойлардан бирига эга бўлди. Янги, шинам ҳовлимизни кўрган фарзандларимизнинг севинчини айтмай-сиз?! Шу пайтгача, очигини айтсам, ижарада яшардик, турмуш ўртоғим тиббиёт ходими, ўзим педагог бўлганим сабабли уй-жойларимизнинг кредит тўловларида белгиланган солиқ имтиёзлари ҳам биз учун яна бир ғамхўрлик деб биламиз.

Шу ўринда айтиш лозимки, вилоятда аграр соҳага қаратилган эътибор, ерга ишлов беришда замонавий ёндошув туфайли фермерлар томонидан етиштирилётган ҳосилдорлик салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қўйли юртимизда етиштирилган мева-сабзавотлар экспортини кенгайтиришда муҳим қадам бўлди. Утган йили биргина Самарқанд вилоятида 125 минг тонна мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 560 минг тоннага етиши мўлжалланган.

Мазкур қарор асосида вилоятда 6 минг 793 та боғдорчилик, 7 минг 963 та узумчиликка ихтисослашган фермер



хўжалиги ташкил этилди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси Мақсуд Қорабоев. — Бугунги кунда хорижда, нафақат мева, сабзавот, балки мош, сабзи, кўкат, полиз маҳсулотларимизга ҳам талаб ошяпти. Бу борада Тошкентда ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси муҳим қадам бўлди. Мазкур нуфузли тадбирда вилоятимиздан 300 нафарга яқин фермер иштирок этиб, хорижликлар билан 500 миллион АҚШ доллари миқдорида шартнома имзолаган эди.

Агрофирмамиз ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланади, — дейди "Рустамов Александр" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Халиков. — Ҳозир 26 гектар майдонда шафтоли, олма, ўрик каби дарахтлар билан бирга 5 гектар майдонда интенсив боғ ҳам ташкил этганмиз. 340 минг АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги маҳсулотни Россия ва Қозғоғистонга экспорт қилаялмиз. Вилоят ҳокими томонидан фермерлар ва агрофирмаларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйишда амалий кўмак берилаётгани натижасида корхонамиз вилоятдаги бир қанча фермер хўжалиги, ўз хонадонидан кўкат етиштиратган аҳоли билан 2 минг 500 та шартнома тузди. Уларга 40 фойз маблағни олдиндан тўладик. Яратилган шароитлар туфайли бу йил 1 миллион тоннадан зиёд маҳсулот экспорт қилишни мўлжаллаганмиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 27 баробарга, шу жумладан экспорт ҳажми 29 баробарга ошди. Ташқи савдо айланмасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

6 фойздан 56 фойзга кўпайди, — дейди Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти профессори Искандар Тўхлиев. — Шу туфайли Ўзбекистон асосан хом ашё ишлаб чиқарувчи ва тайёр маҳсулот олиб келувчи мамлакатдан юқори қўшимча қийматга эга бўлган экспорт қилувчи давлатга айланди. Бундай натижалар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишидан далolatдир.

Бугун мамлакатимиз халқаро экспорт томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича етакчи ўринда туриши "кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?" деган ҳақли саволга жавобдек, гўё. Айтилик, МДҲ давлатларидаги шаҳарлар орасида фақат Самарқанд Американинг "Huffington post" нашрида эълон қилинган "албатта бориб кўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳари" рўйхатида киритилган бўлса, айни пайтнинг ўзида АҚШнинг "Гэллуп" тадқиқот маркази томонидан тақдим этилган "энг яхши кайфият индекси" бўйича ватанимиз 136 мамлакат ичида 29-ўринни эгаллади. Бу рўйхатда мамлакатимиз нафақат ҳамдўстликдаги барча қўшниларни, балки Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларни ҳам орта қолдирди.

Янгиланган "Жаҳон бахтиёрлик индекси" рейтингиде Ўзбекистон 44-ўринга кўтарилиб, бу борада МДҲ ва Болтқубий давлатлари орасида етакчи бўлди. Буларнинг барчаси истиқлол шарофати туфайли юртдошларимизнинг меҳнатга бўлган иштиёқи, ҳаёт даражаси сифати ортаётганининг белгисидир.

Муҳаббат Равшанова
"XXI asr" мухбири

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун ҳамда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Барча соҳаларга замонавий ахборот коммуникация технологиялари изчил жорий қилиниши натижасида ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларининг яратилиши жадаллашиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифати ошмоқда.

Энди масофа яқин

Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси янги электрон солиқ хизматлари портали — www.my.soliq.uz солиқ тўловчиларга қулайлик яратиб, солиқ идоралари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Унда қўмитанинг барча электрон давлат хизматлари замонавий дизайнда, фойдаланишга тез ва қулай шаклда тақдим этилди. Натижада солиқ соҳасида ҳам ҳисоботларни электрон шаклда топшириш ва солиқ тўловчилар учун 50 дан зиёд замонавий интерфаол хизмат кўрсатиш имкони яратилди.

Шунингдек, порталда солиқ органларига бормасдан солиққа тортиш бўйича саволларга жавоб олиш, солиқ тўловчининг идентификацион рақамини аниқлаш ва гувоҳномани шакллантириш, солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш, солиқларни мустақил ҳисоблаш, ҳисобот ва солиқ декларацияларини юбориш, расмий тушунтириш кабиларни амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари корхонанинг ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномалари рўйхати билан танишиш, солиқларни онлайн режимида тўлаш, корхонага юборилган оғохлантириш хабарномалари тўғрисида ўз вақтида хабардор бўлиш, фуқароларга ҳисобланган сугурта бадалларини

кўриш каби янги имкониятлар ҳам яратилган.

Масалан, эндиликда тадбиркорлик субъектлари мазкур портал ёрдамида барча турдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн режимида тўлаши мумкин. Бунинг учун электрон рақамли имзо калити орқали шахсий хонага кириб, солиқ тури танланади ва тўлов суммаси кўрсатилиб, "тўлаш" тугмасини босиб кифоя. Корхонанинг электрон тўлов топшириқномаси банкка автоматик равишда етказилади ва шу захотийёқ тўлов амалга оширилиб, солиқ тўловчининг шахсий карточкасига қайд этилади. Агар ҳисоб рақамда пул миқдори етарли бўлмаса, тўлов топшириқномаси 2-сонли картотекага жойлаштирилиб, бу ҳақда Давлат солиқ қўмитасига электрон хабарнома юборилади. Мазкур тўлов тизими 24 соат давомида узлуксиз ва бепул фаолият кўрсатади.

Гувоҳи бўлганингиздек, миллий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши жисмоний ва юридик шахсларга қулайлик яратиб, уларнинг оғирини енгил, масофани яқин қилаётгани билан аҳамиятга моликдир.

Юнусжон НАСИМЖАНОВ,
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

РЕКЛАМА ЎРНИДА

“ЎЗСТАНДАРТ” АГЕНТЛИГИ

“Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни ва агентлик тизимида меҳнат қилаётган кадрли ҳамкасбларимизни истиқлол айёми билан табриклайди!
Диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо, тантти, хушфеъл, меҳнатсевар халқимиз ҳаммиша омон бўлсин!

Мамлакатимиздаги бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ва хориждан импорт қилинаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари бериш, метрологик хизматлар кўрсатиш учун марказимизнинг сертификатлаштириш идораси, давлат метрологик назорати бўлими, аккредитланган синов мажмуаси ва сифат тизимларини жорий этиш бўлимлари ишбилармонларга қуйидаги хизмат турларини таклиф қилади:

- маҳсулотларни сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан соҳага оид имзолаган битимларига асосан хорижий давлатлар мувофиқлик сертификатларини тан олиш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сертификатлаштириш маълум қилиш тартибни аниқлаш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назорати ўтказиш;
- маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш;
- сертификатлаштириш ва даврий синовлар ўтказиш.

МЕТРОЛОГИЯ СОҲАСИДА:

- оғирлик, иссиқлик-техника, геометрик, вақт, босим, ҳажм ва сарф, ҳарорат, электр ва газ ўлчов воситаларини қиёслаш ва калибрлаш;
- ўлчов воситалари ва синов ускуналари

метрологик аттестациядан ўтказиш ҳамда соҳага оид консултация хизматлар кўрсатиш.
Сифатни бошқариш тизимлари мувофиқлигини тасдиқлаш соҳасида:
— корхоналарда ISO 9001:2015, ISO 14001:2004, ISO 22001:2005, OHSAS 18001:2007, ISO 50001:2012 халқаро стандарт талабига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, жорий этиш ҳамда ходимларга ўқув курслари ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида ёрдамлашиш.

ҚЎШИМЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР:

- агентлик хизматларини кўрсатиш;
- стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалалари юзасидан семинарлар ўтказиш;
- меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва лабораторияларни аттестацияга тайёрлашда бевосита кўмаклашди.

Манзил: 110100, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Тинчлик кўчаси 2-уй.
Тел.: (0 370) 613-82-62; 613-85-81. Факс: (0 370) 613-82-62
Ишонч телефони: (0 370) 613-69-65
Веб-манзил: www.olmaliqssm.uz
e-mail: olmaliqssmdk@exat.uz, olmaliqcenter@mail.ru

Ватан равнақи ва миллат келажаги йўлида хизмат қилаётган азиз юртдошлар! Истиқлол айёми муборак! Хонадонингиздан тинчлик ва хотиржамлик, қалбингизни байрам шукӯҳи асло тарк этмасин! ҲАЗОРАСП ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Хизматлар лицензияланган

МОҲИЯТ



Тадбиркорлик билан шуғулланмайди

— Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ходимлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, деб эшитдим. Шу ростми?

А. Мансуров,
Чилонзор тумани

— Ҳа, тўғри. Адлия вазирининг 2011 йил 30 сентябрдаги буйруғи билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органилари тўғрисида"ги низомнинг 29-бандига асосан, ФХДЭ органи раҳбарлари ва инспекторлари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари тадбиркорлик ва бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Боламнинг омонати бўлинадими?

— Тақдир экан, ўзаро келишмовчилик туфайли турмуш ўртоғим билан ажрашишга қарор қилдик. Саволим шуки, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки бўлинганда вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ҳам тақсимланадими?

Х. Турдиева,
Бобўв тумани

— Оила кодексининг 27-моддаси олтинчи қисмига асосан, вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар, масалан, кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

Шунингдек, ушбу модданинг еттинчи қисми талабига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида инобатга олинмайди.

Маҳкумнинг аёли...

— Турмуш ўртоғим жиноятга қўл ургани туфайли беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Икки нафар фарзандим вояга етмаган, бошланғич синф ўқувчиси. Айтинг-чи, мен бундай пайтда ҳужайиним билан ажрашишим мумкинми? Бу ҳақда қаерга мурожаат этишим керак?

Ю. Бутаева,
Жиззах шаҳри

— Оила кодексининг 43-моддаси биринчи қисмига кўра, агар эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати

далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Ушбу қонун талабидан кўриниб турибдики, сиз ушбу қарорингизни амалга ошириш учун ўзингиз яшаб турган жойдаги ФХДЭ бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тиббий маълумотнома қанча муддатга амал қилади?

— Бўлажак рафиқам билан яқинда тиббий кўриқдан ўтган эдик. Аммо баъзи сабабларга кўра, никоҳ маросими ярим йилга қолдирилди. Саволим шуки, тиббий кўриқ натижалари қанча муддатга амал қилади?

Ш. Баҳодиров,
Ангор тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги низомнинг 5-бандига биноан, никоҳланувчи шахслар ФХДЭ органилари томонидан тиббий кўриқдан ўтиш учун доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборилади. Тиббий кўриқ бепул ўтказилади.

Ушбу низомнинг 11-бандига асосан, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги натижалари тўғрисида тиббиёт муассасасининг хулосаси маълумотномада акс эттирилади. Маълумотнома тиббиёт муассасасининг муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади ҳамда алоҳида дафтарда рўйхатдан ўтказилади, дафтар белгиланган муддат мобайнида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг архивига сақланади. Маълумотноманинг амал қилиш муддати — уч ой.

Ҳомиладорликда суд никоҳдан ажратадими?

— Айни пайтда ҳомиладорлигимга қарамасдан, турмуш ўртоғим турли ваҳжларни баҳона қилиб, мен билан ажрашиш ниятида юрибди. Мен эса унинг бу қароридан норозиман. Амалдаги қонунчилигимизда бундай вазиятга тушган мен каби аёлларнинг ҳуқуқи қандай ҳимояланган?

И. Норова,
Косон тумани

— Оила кодексининг 39-моддасида эрининг никоҳдан ажратиш тўғрисида талаб қўйишини ман этадиган ҳоллар қайд этилган. Унга асосан, хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Саволларга Тошкент шаҳар 1-сонли
Никоҳ уйи ходими Дилафруз АҲМЕДОВА жавоб берди.

ЭНГ ФОЙДАЛИ ИЧИМЛИК

БИЛАМИЗМИ?

Кўк чойда катта миқдорда мавжуд бўлган флавоноидлар, полифеноллар ва антиоксидантлар инсон танасидаги эркин радикаллари нейтраллайди, суякларни мустаҳкамлайди, юрак қон-томир касалликларидан ҳимоя қилади ва саратоннинг олдини олади.



Ялпизли чой овқат ҳазм қилишни енгиллаштиради. Шу билан бирга, ялпиз огриқсизлантирувчи таъсирга ҳам эга бўлиб, бўгинлардаги огриқни йўқотади.

Ёғсиз суг жуда фойдали, шу билан бирга тўйимлидир. Унинг таркибида мураккаб углеводлар, оксиллар, кальций ва витамин Д мавжуд. Суг иштаҳангизни бир неча соатга тинчлантиради ва ортиқча вазнга қарши курашда қўл келади. Сутнинг 1 фоизлисини ичиш фойдалироқ.



Соя сути қондаги холестеринни камайтириш баърида юрак қон-томир касалликларидан фойдалидир. Бироқ соя сути сугир сути ўрнини босолмайди, сабаби, сояда сугир сутидаги кальций, А ва Д витаминлари мавжуд эмас.

Иссиқ шоколад ва какао ичимликлари жуда мазали бўлиши билан бирга, организмда серотонин гормонини ишлаб чиқаради. Бу гормон кайфиятни кўтарди. Бундан ташқари қайноқ шоколад ва какао таркибидаги полифеноллар ҳужайраларни эркин радикаллардан ҳимоялайди.




Помидор шарбати таркибидаги ликопен ўпка, ошқозон, жигар, кўкрак беши саратонининг олдини олади, юрак касалликлари хавфини ҳам камайтиради.



Апельсин шарбати таркибидаги кўп миқдордаги витамин С иммунитетни бир қанча касалликлар, шу жумладан, катаракта ва саратондан ҳимоялайди. Шифокорлар апельсин шарбатини ҳомиладорликда ичишни маслаҳат беришади. Чунки унинг таркибидаги фолий кислотаси ҳомиланинг ривожланишидаги нуқсонларни бартараф этади.


Умида ХУДОЙНАЗАРОВА
тайёрлади.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик шодиёналари билан барча юртдошларимизни, тадбиркор ва ишбилармонларни, фермерларни чин дилдан муборакбод этади!

Ўтган даврда эришган муваффақиятларимиз бугун ўзининг бор бўй-бастини барчага намоён этмоқда. Иқтисодиётимиз ривож топиб, она Ватанимиз салоҳияти тобора юксалаяпти. Энг муҳими, янгича фикрлайдиган, юрт тақдирини ўз тақдири деб билган баркамол авлод ўсиб-улғаймоқда.



ҚУТЛОВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

“ЧИРЧИҚ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча ҳамюртларимизни энг улуг, энг азиз байрам — истиқлолимизнинг 25 йиллиги билан муборакбод этади. Мамлакатимизда тинчлик, фаровонлик, осуда тунлару мунаввар тонглр бардавом бўлишини тилаган ҳолда қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни синовдан ўтказиш ва мувофиқлик сертификати бериш;
- ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш;
- халқаро ISO-9001 сифатни бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатади.

Сиз "chirchiqssm.uz" веб-сайти ёки (0-370) 715-35-81 рақами орқали корхонангизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертифицирлаш, синовдан ўтказиш, импорт маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификати олиш бўйича ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан мурожаат этишингиз мумкин.

Азиз тадбиркорлар, биз сизнинг хизматингиздамыз!

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси 5-ўй.

Мурожаат учун факс: 0-370) 716-58-11

Хизматлар лицензияланган

e-mail: chirchiqssm@rasm.uz

“Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси



КЎКДАЛА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимиз, мамлакатимиз таълим тизимини меҳнат қилаётган барча устоз ва мураббийларни энг улуг ва энг азиз айём — Муваффақиятларимизнинг 25 йиллик байрами билан сизни муборакбод этади. Ҳар бир хонадонга бахт-саодат, хотиржамлик, улкан зафарлар тилаб қолади.

